O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 18-sentabr • Payshanba • 114-115 (27.920) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Қ.Р.Бердиевни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида

Қобул Раимович Бердиев Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тасдиқлансин ва шу муносабат билан у мудофаа вазирининг ўринбосари — Жанубий-ғарбий алоҳида ҳарбий округи қўшинлари қўмондони вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 17 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р.Э.Мирзаевни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида

Руслан Эркинович Мирзаев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 17 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН КРИНИЦА ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИДА

Ўзбекистон Республикаси делегацияси Польшанинг Криница шаҳрида бўлиб ўтган XVIII халқаро иқтисодий форумда иштирок этди. Мазкур анжуман Марказий ва Шарқий Европа минтақаси ҳаётидаги энг муҳим сиёсий-иқтисодий воқеалардан бири ҳисобланади.

«Шарқий Европа Давоси» дея талқин этилувчи мазкур йирик анжуманда Европа, Осиё ва Американинг олтмиш мамлакатидан келган мингдан зиёд иштирокчи қатнашди. Дунёдаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг 350 нафардан зиёд журналисти форумни ёритиб борди.

Анжуман ўнта мавзу йўналишида ўтказилиб, улар қуйидаги соҳаларни қамраб олди: бизнес ва бошқарув, макроиқтисодиёт, фан ва маданият, янги иқтисодиёт, ёқилғи ва энергетика, давлат ва ислоҳотлар, халқаро сиёсат ва хавфсизлик, минтақалар, жамият, Европа Иттифоқи ва унга қўшни давлатлар.

Форумни Польша бош вазири Дональд Туск кириш сўзи билан очди.

Учрашув доирасида ўтказилган семинар давомида Ўзбекистон вакили «Сув-энергетика омили: Марказий Осиё барқарорлигига таҳдидлар» мавзуига бағишланган маърузани йиғилганлар эътиборига ҳавола қилди. Унда Марказий Осиё минтақасида сув-энергетика захираларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг нуқтаи назари баён қилинди. Жумладан, иштирокчилар эътибори Орол денгизининг аянчли тақдирига қаратилиб, ушбу сув ҳавзасининг қуриши нафақат Марказий Осиё, балки бутун Евроосиё ҳудуди учун фожиавий оқибатлар келтириб чиқараётгани алоҳида қайд этилди.

Анжуман доирасида Польшанинг етакчи сайёҳлик компаниялари вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда меҳмонларга Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, халқимизнинг тарихий ва маданий мероси ҳақидаги батафсил маълумотлар тақдим этилди.

Польша сайёҳлик операторлари ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболларига катта қизиқиш билдиргани ҳолда, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида ўзаро алоқаларни фаоллаштириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

«Жаҳон» АА.
Варшава.

Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига

МЎЪТАБАР МАЪРИФАТ МАСКАНИ



Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос олим, профессор Озод Шарафиддинов Ўзбекистон Миллий университети ҳақида шундай фикрларни билдирганди: «Университет туфайли илм — океан сингари тубсиз, чексиз олам эканлигига амин бўлдим. Дунёни, одамларни ҳар томонлама идрок қилишни, тушунишни ўргатди менга. Унинг таъсирида ўзимнинг жамиятдаги ўрнимни, одамларга кераклигимни англадим. Шунинг ўзиёқ менинг ҳаётимга катта маъно бағишлади».

Бугун Миллий университетга дахлдор барча-барча кишиларнинг хаёлларидан мана шундай илиқ сўзлар, ўзгача ҳаяжонлар кечаётгани сир эмас.

Президентимизнинг «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори мазкур маърифат масканн мамлакат ҳаёти, миллат келажагида беқиёс ўринга эгалигининг яна бир эътирофи бўлди.

2-бет

ИЖРОҚЎМ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроқўмининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов олиб борди. «East Telecom» МЧЖ конференц-зали ва унинг вилоят бўлимлари негизида on-line конференц-алоқа тартибида ўтказилган йиғилишда иштирок этиш учун бевосита вилоят марказларида жойлашган видеотерминалларга Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўми аъзолари билан бир қаторда, ЎзХДП минтақавий ташкилотлари сайланма органлари аъзолари ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ва аъзолари ҳам таклиф этилди.



Иштирокчилар ЎзХДП Устав фаолиятининг электорат манфаатлари йўлидаги самарадорлигини ошириш, жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ва партия ҳаётига доир бошқа масалаларни муҳокама қилдилар. Ушбу тадбир тафсилотларини газетамизнинг навбатдаги сонларида эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Қарор ва ижро

АМНИСТИЯ — БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Асосий Қонунимизнинг 93-моддаси 23-бандида кўрсатилганидек, Президентимиз томонидан мазкур санага бағишлаб амнистия бериш тўғрисида Олий Мажлис Сенатига киритилган тақдимномага асосан шу йилнинг 28 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди

Мазкур қарор ўз мазмунига кўра, олижаноблик, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларига асосланган бўлиб, жиноят содир этган шахсларни жазодан ва жавобгарликдан озод қилишни ўз ичига қамраб олади.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг умумхалқ байрамимиз арафасида қабул қилинганлиги алоҳида сиёсий ва тарихий аҳамиятга эга. Бу мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида демократик ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлигининг яна бир далилидир.

3-бет

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Чирчиқ автомобиль мактаби базасида минтақавий кенгашлар раислари ва уларнинг ҳарбий-техник тайёргарлик бўйича ўринбосарлари ҳамда ўқув муассасалари бошлиқлари иштирокида ўқув-услубий анжуман бошланди.

Аньанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбир Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари ва ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши раиси А.Абдуқаҳҳоров, ташкилотнинг Хоразм вилояти кенгаши раиси Д.Иброҳимов ва бошқалар маънавият инсонни руҳан покланиш ва улғайишга чорлайдиган, одамнинг иродаси, иймон-эътиқодини мустаҳкамлайдиган беқиёс куч эканини алоҳида қайд этдилар.

Юртбошимиз китобида илгари сурилган ғоя ва қарашларни ёшлар онгига сингдириш, ёш авлодни, шу жумладан, ташкилот ўқув муассасаларида таҳсил олаётган чақирилувчиларни турли ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва профессионал армияда хизмат қилишга тайёр жисмонан ва маънан бақувват, интеллектуал салоҳияти юксак Ватан ҳимоячилари этиб тарбиялаш ташкилот олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари асосида Мудофаа вазирлиги Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда тайёрланган ёшларни маънавий-ахлоқий, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик дастури бўйича услубий тавсиялар муҳокама этилди.

Машғулотлар давомида, шунингдек, 2007-2008 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига ҳарбий техник мутахассислар тайёрлаш ҳолати бўйича тизимдаги ўқув муассасалари фаолияти таҳлил этилади.

Л.СУВОНОВ,
ЎзА мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

2 «Бошланғич партия ташкилотлари куни» *Сирдарё тажрибаси*
3 Амнистия — бағрикенглик ифодаси
2-3 «Имтиёзли таъсисчилар» *ёки бир ғалати ҳолат ҳақида*
Миллий банк: Халқаро рейтинг агентлиги ва индивидуал кредит рейтинглари 4
«Бозори тўкин элнинг турмуши фаровон бўлади» 6
Бировнинг ҳақи бировга буюрмайди 8

ЎзХДП ҳаёти

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ КУНИ

тажрибаси ЎзХДП Сирдарё туман кенгашининг электорат билан узвий алоқасини мустаҳкамлаш ва партия дастурий мақсадларини самарали амалга оширишига хизмат қилмоқда

Ушбу тадбирларни ўз кўзимиз билан кўриш мақсадида Сирдарёга йўл олдик. Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси аъзоси Рустам Қодиров ва туман партия кенгаши раисининг ўринбосари Дамир Юсупов ҳам биз билан бирга эди.

— Нега энди ҳар ҳафтанинг пайшанбаси бошланғич партия ташкилотлари куни сифатида белгиланган? — сўраймиз йўлда кетаётиб Д.Юсуповдан.

— Бундан икки йил аввал Бахт пахта тозалаш корхонасида бўлиб, жамоа билан учрашгандик. Учрашувдан мақсад — илгари туманда энг йирик ҳисобланган, маълум сабабларга кўра тарқаб кетган бошланғич партия ташкилотини тиклашдан иборат эди. Албатта, биз у ерга дабдурустдан борганимиз йўқ. Бир неча кун давомида партиямизга хайрихоҳ одамларни топиб, улар билан суҳбат қилдик, дастурий ғояларимиз, мақсад ва вазифаларни тушунтирдик. Қисқа вақт ичида корхонанинг 60 нафардан ортиқ ишчи ва хизматчиси ХДПга аъзо бўлди. Хуллас, учрашув натижаси сифатида йирик, барқарор бошланғич партия ташкилоти қайта тузилди. Ўша куни пайшанбага тўғри келиб, энг унумли ва муваффақиятли иш кунимиз сифатида баҳоланган. Шу сабабли, туманда ҳар пайшанба бошланғич партия ташкилотлари куни, деб белгиланди. Шундан бери ҳафтанинг шу кунида бутун фаолларимиз бошланғич партия ташкилотлари билан иш олиб боради.

Тумандаги Мурувват уйи сари бурилар эканмиз, Рустам ака бир гапни таъкидлади:

— Биз пайшанба учрашувларига шунчаки тадбир деб эмас, амалий иш, партиямизнинг асоси ҳисобланмиш қуйи бўғин фаолиятини жонлантириш жараёни деб қараймиз. Мана, етиб келдик. Ҳозир ўзингиз кўриб, фикримга ишонч ҳосил қиласиз.

Бу даргоҳда 200 нафар ногирон аёл ва болалар истиқомат қилар экан. Уларга жами 81 нафар ишчи-ходим хизмат кўрсатаяпти. Қулай шарт-шароитлар яратилган. Кечаю кундуз тиббий хизмат ташкил этилган ва 3 нафар мутахассис врач, 16 нафар ҳамшира, 32 нафар кичик тиббий ходим уларнинг саломатлигини муҳофаза қилаётир.

Бундан ташқари, Мурувват уйининг доимий ҳомийлари бор. Савоб ишларнинг барчасида ХДП туман кенгаши фаоллари ташаббускор. Мурувват уйининг талаб-эҳтиёжларини аниқлаш, ҳомийлар ўртасида шунга қараб иш олиб бориш билан бирга, ўзлари ҳам имкон қадар ёрдам қўлини чўзадилар. Чунончи, ХДП туман кенгаши болалар бўлимини иссиқ чойшаблар билан таъминлади.

Партия фаоллари бу ерда дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда, омма билан жонли, фойдали иш олиб бораётгани, тарғибот-ташвиқотни кучайтиргани натижасида ўз сафларига янги-янги аъзоларни жалб этмоқдалар. Мурувват уйи ишчи-хизматчиларининг 33 нафари ХДП аъзолигига қабул қилинди. Биргина шу йилнинг биринчи ярмида 9 нафар хизматчи сафимизга қўшилди.

Биз яқиндагина ХДП аъзоси бўлган ходимлар Комила Эшонқулова, Маърифат Обидова, Назокат Нектоева, Зебо Гиёсовалар билан суҳбатлашганимизда, улар кундалик турмушнинг барча масалаларида оддий фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилаётгани учун ҳам бу партияни танлаганликларини айтдилар.

Тўрт йилдирки, Мурувват уйидаги бошланғич ташкилотга ходимлар бўлими бошлиғи Ленура Мимедиева етакчилик қилади. Албатта, бундай вазифани бажариш, ўттиз уч нафар аъзони ўз ортидан эргаштириш учун, энг аввало, етакчининг обрў-эътибори юқори бўлиши, кучли ташкилотчилик қобилияти зарур. Ленура жамоат ишига асосий вазифасидек жиддий қарайди, ишчи-хизматчиларнинг шарт-шароитини яхшилаш, бўш вақтларда дам олишини ташкил этиш ва бошқа шу каби кўплаб масалалар унинг доим эътиборида.

Жамоада ХДП бошланғич ташкилотининг мавқеи тобора ортиб бораётганини маъмурият кўп масалаларда партия фаоллари билан кенгашиб, бамаслаҳат иш юритаётганидан билса бўлади. Муассаса раҳбари Йўлчибой Шеровнинг таъкидлашича, оммавий-ташкилий тадбирлар, хусусан ободонлаштириш ишлари ва ҳашарларда, кўчат ўтқазиш ойликларида ХДП аъзоларининг хизмати катта.

Туман партия кенгаши бу ерда бошланғич ташкилот хўжакўрсинга эмас, балки жонли фаолият юритиши учун барча чораларни кўраяпти. Чунончи, фаоллар ёрдамида кенг ва шинам Маънавият хонаси ташкил этилиб, у замонавий кўргазмали воситалар билан жиҳозланди, мустақиллигимиз, қадриятларимиз ҳақидаги адабиётлар билан таъминланди. Учрашувлар ҳам айнан шу ерда ўтказилар экан.

Бугунги учрашувда давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби асосида суҳбат ўтказилди. Бу ҳақда ҳамроҳларим содда, тушунарли қилиб, китобдан ва ҳаётдан мисоллар келтириб гапириб беришди. Юртбошимизнинг маънавиятни англаш, маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги, миллий ғоя ва унинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, маънавиятга таҳдид солаётган бузғунчи кучлар ва уларга қарши кураш йўллари ҳақида билдирган фикрлари ҳар биримиз учун қимматли дастуриламал экани таъкидланди.

Тумандаги бошқа бошланғич ташкилотларда ҳам пайшанба учрашувлари якунлангач, фаоллар бирин-кетин ХДП туман кенгашига йиғила бошлади. Тарғиботчилар гуруҳи жам бўлгач, учрашув якунлари муҳокама қилинди, ўртага ташланган фикр-мулоҳазалар, таклифлар умумлаштирилиб, шунга кўра навбатдаги вазифалар ва кейинги учрашувларнинг мавзуси белгилаб олинди.

— Бошланғич ташкилотлар, шубҳасиз, бизнинг жойлардаги асосий таянчимиз ҳисобланади, — деди туман партия кенгаши раиси Маҳмуджон Аҳмедов. — Ҳозир туманда ХДПнинг 68 та бошланғич, 30 та ҳудудий ташкилоти бўлиб, улар сафида 1723 нафар аъзо бирлашган. Бахт шаҳар касалхонаси, шаҳар коммунал хўжалиги, туман солиқ инспекцияси, туман халқ таълими бўлимидаги бошланғич партия ташкилотлари аъзолар сони жиҳатдан ҳам, туман ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашаётгани билан ҳам ажралиб туради.

Бугунги тадбир ниҳоясида партиянинг қуйи бўғинлари билан олиб борилаётган жонли мулоқотлар нақадар муҳим ва зарурлигини яна бир бор ҳис этдик. Бинобарин, ХДП аъзолари бевосита меҳнат қилаётган, фаолият кўрсатаётган жамоалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган жойда партиянинг мавқеи, обрў-эътибори ҳам баланд бўлади, омма ўртасида унга ишонч янада ортади.

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тўхтасин АБДУРАҲМОНОВ, университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори:

— Мамнуният билан шуни таъкидлашни истардимки, Президентимизнинг Қарори талаба-ёшларимизни, профессор-ўқитувчиларимизни ҳаяжонга солиб, қалбларини тўлқинлантириб юборди. Қарорда белгиланганидек, университетимиз ҳудудида байрам олдидан кенг кўламдаги қурилиш, реконструкция, таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

22-23 август кунлари пойтахтимизда «Мамлакатимиз олий таълим тизими ва илм-фани ривожида Ўзбекистон Миллий университетининг роли» мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилди. Унда юртимизнинг академик, профессор-ўқитувчилари қатори Россия, АҚШ, Германия, Польша, Чехия, Украина, Қозоғистон, Греция, Туркия каби хорижий давлатлардан ташриф буюрган олимлар ҳам иштирок этишди. Мазкур анжуман муносабати билан «Илмий конференция материаллари», «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари», «Мўътабар зиё маскани», «Университет менинг ҳаётимда», «Национальная кузница кадров» деб номланган тўпламлар, «ЎзМУ хабарлари» илмий журналининг махсус сони ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилди. Энг муҳими, конференция иши давомида университетимиз Марказий Осиёдаги энг нуфузли олий таълим даргоҳларидан бири эканлигини дунё илм-фани аҳли яна бир бор эътироф этди. Шунингдек, жаҳоннинг нуфузли университетлари ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш бўйича таклифлар билдиришди.

Юбилейни юксак даражада нишонлаш бўйича тадбирлар режаси «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад-вазифаларга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ишлаб чиқилди. Янги ўқув йилининг дастлабки кунларидан университетимиз ҳудудида йигит-қизлар иштирокида байрам тадбирлари, концерт дастурлари бўлиб ўтмоқда. Шунингдек, спортнинг футбол, мини-футбол, стол тенниси каби еттита тури бўйича талабалар ўртасида мусобақалар ташкил этилган. Бу мусобақаларда юртимизнинг қатор олий ўқув юртлари талаба-ёшлари ҳам ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда.

19-20 сентябрь кунлари эса «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси стадионида «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» шиори остида мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабаларининг фестивали ўтказилади.

Дилноза САЙФУДДИНОВА, университетнинг журналистика факультети 1-курс талабаси:

— Ёшлар йили мен учун жуда омадли келди. Боиси, мамлакатимиздаги олий таълимнинг бешиги саналган қутлуғ даргоҳга давлат гранти асосида ўқишга кирдим. Албатта, бу илм масканида ўқиётганлигимдан фахрланаман. Ўқувчилигимдаёқ журналист бўлиб, мамлакатимиз тараққиётига ўз ижодим билан ҳисса қўшишни ният қилгандим. Орзуим йўлидаги дастлабки қадамим мана шундай қутлуғ байрамга тўғри келганлиги қалбимдаги ишончни янада мустаҳкамлади...


Дилноза каби бу йил талабалик бахтига муяссар бўлган юзлаб ёшларимизнинг фахрланганича бор. Чунки бу мўътабар даргоҳнинг 90 йиллик тарихи давомида битирувчиларидан 106 нафари академик илмий унвонига сазовор бўлган, улардан 23 нафари Ўзбекистон Фанлар академияси президенти ёки вице-президенти сифатида фаолият кўрсатган. Қанча-қанча битирувчилар илмий унвонларга, давлатимизнинг юксак мукофотларига муносиб кўрилган...

Айни кунларда Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллик тўйи тантаналари авж паллага кирди. Шунга ишончимиз комилки, бу сана бугун юртимизнинг ҳар бир хонадонида ўзига хос тарзда байрам қилинмоқда. Чунки университетнинг бағридан етишиб чиққан кадрларни ҳар бир хонадондан топиш мумкин.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ,
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА)
олган суратлар

МЎЪТАБАР МАЪРИФАТ МАСКАНИ





Тадбир

ЭЗГУЛИК ВА ҚАДРИЯТ ТИМСОЛИ

Республика Байналмилал маданият марказида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси — инсоният тараққиётининг энг эзгу мақсадлари ва демократик қадриятлар тимсоли бўлган ғоят муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Қатнашчилар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси меъёрлари миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топганлигини, мамлакатимиз БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид 6 та халқаро шартномаси иштирокчисига айланганини таъкидлашди. Маъруза ва мунозараларда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг фуқаролик, миллатлараро ва конфессияларо тотувлигини мустаҳкамлаш, уларнинг тили, урф-одати ва анъаналарини янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди.

(Ўз мухбиримиз)

ЯНА БИР КОЛЛЕЖ

Яқинда Бухоро туманида саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. 270 нафар ўғил-қиз мазкур илм масканида ўнга яқин мутахассислик бўйича таълим-тарбия олишлари мумкин.

— Коллежимизнинг лойиҳа қиймати 2 млрд. 168 млн. сўм этиб белгиланган эди, — дейди коллеж директори Ҳамза Иброҳимов. — «47-кўчма механизациялашган жамланма» МЧЖ бунёдкорлари коллежимизни сифатли, замон талаблари даражасида қуриб беришди.

Даврон БАҲРОНОВ

Ислоҳот одимлари

«БИОКС» – КОНЧИЛИКДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ

Навоий кон-металлургия комбинати ва унинг жойлардаги учта гидрометаллургия заводларини бир-бирига солиштирсангиз, Навоий ёки Зарафшон шаҳарларидаги 1-,2-гидрометаллургия заводлари фаолиятига 40-45 йил тўлаётган бўлса, Учқудуқдаги 3-гидрометаллургия заводига эндигина 13 йил тўлаяпти. У асосан 1995 йил ўрталарида маҳсулот бера бошлади. Бир сўз билан айтганда, истиқлол иншооти.

«Кўкпатас» ҳавзаси дарғаси, деб юритилаётган бу завод аслида «Тўғизтов», «Ажибугут», «Кўкпатас» конлари ҳисобига ишлайди. Бугунгача бу карьерлардан 45 миллион тонна тоғ жинслари қазиб олиниб, қайта ишланди. Дастлабки йиллари 2-2,5 миллион тонна атрофида тоғ-тош рудалари қайта ишланиб, соф олтин олинган бўлса, Ёшлар йили тарзида тарихга кираётган жорий йилнинг ўтган даврида 3 миллион тонна тоғ бирикмалари қайта ишланди. Йил охиригача яна 1 миллион тонналик ишлар бажарилиши назарда тутилган.

— Гап фақат кўпроқ тош майдалаш, кўпроқ тоғ ишлари бажаришда эмас, аксинча кўпроқ соф маъдан — соф олтин саралашда, — дейди заводнинг 2-цех бошлиғи Асилхон Тулишев. — Бунинг учун жаҳон андазаларига муносиб мукаммал тажриба керак. Биз шу йўлда заводни ҳам, конларни ҳам тўла компьютерлаштириб, уларда локал бошқарув тизимини шакллантирдик. Тармоқда Жанубий Африка, Италия, Россия, Америка каби мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, «Биокс» технологиясини қўллашга киришдик. Масалан, биологик оксидлаш усули билан актив сульфидли рудаларни ҳам ўзга бирикмалардан бемалол тозалаш усулини пухта ўзлаштириб олдик. Натижада, ҳозирги кунда бундан 10-13 йил илгарги даврга нисбатан иш унуми 3 ҳиссага ошаяпти. Насиб бўлса, 2010 йил охирларига бориб, йиллик самарадорликни 4,5-5 миллион тоннага қадар чиқаришни мўлжаллаб турибмиз...

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳолат

«ИМТИЁЗЛИ ТАЪСИСЧИЛАР»

ёки ўз ихтиёрлари билан таъсис бадали ҳамда фойда улушини олиб, жамиятдан чиқиб кетган собиқ аъзоларнинг тўрт йилдан сўнг таъсисчилар рўйхатига қайта тиклангани хусусида

Ҳазорасп дон маҳсулотлари қабул қилиш жамоа корхонаси 2002 йилга келиб, мулк шаклини ўзгартирди. Корхона 10 нафар таъсисчи ўртасида масъулияти чекланган жамият (МЧЖ)га айланди. Тўғри, унинг фаолияти тез орада ривожланиб кетди, дейиш қийин. Аксинча, бир оз ўтгач, МЧЖ ички муаммоларга дуч келди — ишлаб чиқариш тўхтади, таъсисчиларга дивиденд пули тўлаш у ёқда турсин, ишчи-ходимларга маошни ўз вақтида беришга ҳам имкон бўлмади. Хуллас, 2004 йил бошига келиб, бор-йўғи 3 та таъсисчи қолди. Қолганлар устав фондидаги ўз улушига тенг миқдордаги маблағ ҳамда фойдадан олинадиган дивидендни олиб, чиқиб кетди. МЧЖнинг аҳволи баттар ёмонлашди. Унинг устига, кўп ўтмай таъсисчилардан бири — бошқарув раисининг вафот этиши аҳволни янада қийинлаштирди. Шунга қарамай, жамиятни мушкул аҳволдан чиқаришга ҳаракат қилинди. Айрим бошқа корхоналарда бўлгани каби бор мулкларни сотиш, аста-секинлик билан корхонани йўқ қилиш йўлидан борилмади. Аксинча, бу ерда қайтадан дон қабул қилиш ва қайта ишлаш, бошқа турдаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳолига хизматлар тизимини яратиш учун ҳаракат қилинди. Масалан, 2006 йил октябрь ва ноябрь ойларида Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ўтказилган мини-технологиялар кўргазмасида қатнашилиб, Туркиянинг «Gens Degirmen Makinalari Sanayu ve Ticaret A.S.» фирмаси билан ун ишлаб чиқариш тегирмони сотиб олиш учун шартнома тузилди. Ушбу технология учун «Faллабанк»дан кредит олиш мақсадида таъсисчи Д.Аллаберганова ҳатто ўз мол-мулкларини гаровга қўйди. Тегирмон ўрнатиш учун режалаштирилган бино таъмирлана бошланди. Кунига 20 тонна донни қайта ишлайдиган тегирмон ишга тушса, 25 кишини иш билан таъминлаш имкони ҳам яратилар эди.

Афсуски, бу ишлар, режалар аро йўлда қолди: кредит ажратилиш арафасида тўхтади, МЧЖга янги чет эл технологияси келмади. Негаки жамият кенг миқёсли низолар ичида қолиб кетди. Аввало, собиқ раис Р.Исмоиловнинг турмуш ўртоғи янги бошқарув раиси сайланган мажлис баённини бекор қилиш, жамиятнинг муҳр-штампини олиб бериш ва хизмат хонасига киритиш ҳақида низо қўзғади. Бу борадаги узоқ давом этган суд иши тугар-тугамас, МЧЖга нисбатан янги даъвогарлар пайдо бўлди. Улар собиқ таъсисчилар — И.Саидов, Р.Исаев ва Р.Матяқубовлар эди.

2007 йил август ойида фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судига ёзган даъво аризаларида улар ўзларини таъсисчилар рўйхатига қайта киритиб, дивидендларини ундириб беришни сўрашган. Даъвога улар ўзларининг алданиб, таъсисчилар рўйхатидан чиқиш ҳақида ариза ёзишганлиги ҳамда ҳалигача таъсисчилар рўйхати ўзгартирилмаганлиги асос қилиб келтирилган.

Ўз навбатида жавобгар томон собиқ таъсисчилар ўз аризаларига кўра, таъсисчилар рўйхатидан чиққанлиги, улар билан тўла ҳисоб-китоб қилинганлигини маълум қилади. Тегишли барча ҳужжат ва маълумотлар судга тақдим этилади. Шунингдек, даъвогарлар томонидан Фуқаролик кодексининг 150-моддасида кўрсатилган уч йиллик даъво муддати ҳеч қандай асоссиз ўтказиб юборилганлигини ҳам жавобгар маълум қилиб, даъво муддати қўллашни сўради.

Ишни кўрган судья У.Атажанов 2007 йил 24 декабрда даъвогарлар талабини қаноатлантириб, сиртдан ҳал қилув қарори чиқарди. Ушбу қарор асоссиз чиқарилганлиги, яъни жавобгарга юборилган чақириқ қоғозлари почта хизматининг айби билан етиб бормаганлиги аниқ бўлгач, бекор бўлди. Ишни яна судья У.Атажанов кўриб чиқди ва жорий йилнинг 8 апрель куни яна даъвони таъминловчи қарор чиқарди. Хуллас, суднинг қарори билан илгари таъсис пулларини тўлиқ олиб кетган собиқ таъсисчилар таъсисчилар рўйхатига қайта киритиладиган бўлди. Боз устига, 2003 йил якуни бўйича улушли мулкли улушдан даъвогарлар қанча сумма сўраган бўлсалар, шунчани, яъни И.Саидовга 4.157.126 сўм, Р.Исаевга 3.414.882 сўм, Р.Матяқубовга 1.113.556 сўм ундириш белгиланди. Шундай қилиб, собиқ таъсисчиларнинг орадан тўрт йил ўтиб, бундай талаб қўяётгани асоссизлиги, улар бошқалар каби ўз хоҳишларига кўра, МЧЖдан ихтиёрий, ариза ёзиб, пулини олиб чиқиб кетганлиги ҳамда даъво муддати қўллаш ҳақидаги жавобгарнинг талаблари инобатга олинмади.

Апелляция босқичида (судьялар Д.Раҳимов, Б.Атажанов, И.Раҳмонова) биринчи босқич суди қарорининг дивиденд ҳисоб-китобига ўзгартириш киритилди, холос. Яъни суд томонидан тайинланган Х.Сулаймонова номли Республика суд экспертиза Марказининг суд бухгалтерлик экспертизаси хулосасида 2003 йил якуни бўйича балансдаги молмулк қийматига нисбатан улушидан И.Саидовга 646.386 сўм, Р.Исаевга 518.694 сўм, Р.Матяқубовга 173.516 сўм кам тўланганлиги кўрсатилганига қарамасдан, судья У.Атажанов ҳеч бир асоссиз даъвогарлар томонидан сўралган суммани шундоққина ундириб қўя қолган. Буни апелляция босқичи судлов ҳайъати хато ҳисоблаб, даъвогарларга экспертиза хулосасида кўрсатилган суммани ундиришни белгилади. Қуйи босқич суди қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолди.

Энди қуйи ва апелляция босқичи судлари нимага асосланиб, собиқ таъсисчиларни қайта МЧЖ таъсисчилари рўйхатига киритганлиги масаласига тўхталсак.

АМНИСТИЯ – БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Амнистия ҳақидаги қарорнинг биринчи бандига асосан (мазкур Қарорнинг 7-бандида назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) ўта оғир жиноятлар содир этмаган, биринчи марта ҳукм қилинган аёллар, қарор қонуний кучга киргунга қадар вояга етмаган ёшида (18 ёшга тўлмаган) жиноят содир этганлар, 1948 йил 28 августга қадар туғилган эркаклар ва Ўзбекистонда доимий яшаш учун қонуний асослари бўлмаган чет эл фуқароларининг барчаси жазодан озод этиладилар.

Қарорнинг иккинчи бандига асосан эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар жазодан озод қилинадилар. Жиноят қонунига кўра, қасддан содир этилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар деб ҳисобланади. Унча оғир бўлмаган жиноятлар деганда, жиноят қонунига кўра, қасддан содир этилиб, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар тушунилади.

Унинг учинчи бандига асосан мазкур қарор қонуний кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган ҳамда биринчи ва иккинчи гуруҳ диспансер рўйхатидаги сил касаллигига чалинган, бироқ жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этмаган (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми) шахслар жазодан озод этиладилар.

Шуни таъкидлаш керакки, тергов жараёнида бу шахсларга нисбатан жиноят ишлари тугатилмайди. Уларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш умумий тартибда амалга оширилади ва асослар бўлса, суд Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 463-моддаси 2-қисми 1-банди талабига асосан айблов ҳукми чиқариб, айбдорни мазкур ҳукм билан тайинланган асосий жазодан озод қилади.

Қарорнинг тўртинчи бандига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, содир этган жиноятининг оғирлик даражаси ва тайинланган жазо миқдоридан қатъи назар, озодликдан маҳрум қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган, бироқ жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этмаган (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми) маҳкумлар жазодан озод этиладилар.

Қарорнинг бешинчи бандига асосан содир этган жиноятининг оғирлик даражаси ва тайинланган жазо миқдоридан қатъи назар озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, мазкур Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар манзил-колонияларига ўтказиладилар.

Қарорнинг олтинчи бандига кўра, унинг 1- ва 2- бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча ишлар тугатилади.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг 6-бандини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 68-моддасидаги асослар бўйича, яъни шахсни жиноий жавобгарликдан озод этган ҳолда қўллашда амнистия тўғрисидаги қарорнинг 1- ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятларга оид материаллар ва ишлар амнистия тўғрисидаги қарорнинг 7-бандидаги чеклашларни ҳисобга олган ҳолда тугатилиши керак.

Терговчи, суриштирувчи гумондор ёки айбланувчининг шахсини ва иш ҳолатини чуқур, ҳар томонлама ва холисона ўрганиб чиққанидан кейин амнистия актига кўра жиноят ишини қўзғатиш рад этилиши керак бўлган материаллар, шунингдек, тугатилиши лозим бўлган жиноят ишлари бўйича прокурорга амнистия актини қўллаш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тақдимнома киритади ва унга материал ёки жиноят ишини илова қилади.

Прокурор тақдимномани материал ёки жиноят иши билан биргаликда ўрганиб, рози бўлса, амнистия актини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритади.

Суд илтимосномани прокурор ва манфаатдор шахслар иштирокида кўриб чиқиб, амнистия актини қўллаш ёки прокурорнинг илтимосномасини рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Айни бир вақтда суд манфаатдор шахсларга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш (протест билдириш) тартибини тушунтиради. Бундай ҳолда жиноят оқибатида етказилган зарарни ундириш масаласи фуқаролик ишларини судда юритиш тартибида ҳал қилинади.

Агар жиноят ишини амнистия акти асосида тугатилишига, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, у вафот этган тақдирда эса, унинг яқин қариндошларидан бири бунга эътироз билдирса, йўл қўйилмайди. Бундай ҳолларда жиноят иши бўйича ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилади ва асослар бўлса, суд Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 463-моддаси 2-қисми 1-банди талабларига асосан жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқаради.

Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумларга нисбатан ҳам амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш юқоридаги тартибда суд томонидан ҳал этилади.

Суд илтимосномани прокурор ва манфаатдор шахслар иштирокида кўриб чиқиб, амнистия актини қўллаш тўғрисида ёки прокурорнинг илтимосномасини рад этиш тўғрисида ажрим чиқариб унда манфаатдор шахсларга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш (протест билдириш) тартибини тушунтиради.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг 7-бандининг «а» кичик бандига мувофиқ, мазкур қарор узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга; ўта хавфли рецидивистларга; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этганларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга; муқаддам амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга татбиқ этилмайди.

7-бандининг «б» кичик бандига кўра эса ушбу қарорнинг 1-банди ўта оғир жиноят содир этган шахсларга татбиқ этилмайди. Қарорнинг 7-бандининг «в» кичик бандига мувофиқ амнистия тўғрисидаги қарорнинг 1,2,5 ва 6-бандлари тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланган шахсларга татбиқ этилмайди.

Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарори талабларига кўра, мазкур қарор қабул қилингунга қадар жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан қўлланилиб, рағбатлантириш тарзида олиб ташланмаган ва амал қилиш муддати тугамаган икки ёки ундан ортиқ интизомий жазоси бўлган маҳкумлар, ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташдан бош тортганлик учун судларнинг ажримларига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, ҳукмнинг шартлилиги бекор қилиниб, тайинланган жазони ўташ учун юборилган, шунингдек, манзил колонияларидан тегишли тартибли колонияларга ўтказилган ёки қайтарилган шахсларни, башарти улар ҳибсга олинган кундан бошлаб қарор қонуний кучга киргунга қадар бир йилдан кам муддат ўтган бўлса ҳамда жазони ўташ, ҳукм ижроси кечиктирилган ёки синов муддати давомида қасддан жиноят содир этган маҳкумлар жазони ўташ тартибини мунтазам бузаётган шахслар деб топилади ва уларга татбиқ этилмайди.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг 8-бандига мувофиқ амнистия тўғрисидаги қарорнинг 3- ва 4-бандлари тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга татбиқ этилиши мумкин.

Тузалиш йўлига қатъий ўтган бу тоифадаги шахсларга, уларнинг ёши, жинси ва фуқаролигидан қатъи назар, амнистия тўғрисидаги қарорнинг 3- ва 4-бандлари:

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг ҳамда жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг маҳкумни амалда пушаймонлиги тўғрисидаги тегишли хулосалари, маҳкумнинг содир этган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймонлиги тўғрисидаги ёзма аризаси ва маҳкумнинг яқин қариндошлари ҳамда унинг яшаш жойидаги фуқароларнинг, ўзини ўзи бошқариш органининг кафиллик хати бўлган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа жиноятлар деганда Жиноят кодексининг жиноий уюшма ҳамда оммавий тартибсизлик ташкил этганлик ёки унда фаол қатнашганлик, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, тарқатиш ва бундай ишларни амалга ошириш учун қонунга хилоф ташкилотлар тузиш ва бу таъқиқланган ташкилотларда иштироки учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган жиноятларнигина тушуниш лозимдир.

Аммо судлар томонидан Жиноят кодексининг 60-моддаси қўлланилган шахсларга нисбатан ушбу қарор озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ даврида қасддан жиноят содир этган шахслардан бошқа маҳкумларга, башарти ҳукм кучга кирган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ муддат ўтган бўлсагина қўлланилиши мумкин.

Амнистиялар тарихида биринчи марта амнистия актини қўллашда жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкораликни таъминлаш мақсадида сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилади. Уларнинг асосий вазифалари амнистия актини қўллашдаги суиистеъмолликлар, мазкур актни ноқонуний қўллаш ёки уни қўллашни рад қилиш ҳолатларини аниқлашдан иборат.

Ушбу жамоатчилик ишчи гуруҳлари жазони ижро этиш муассасаларига бориш, у ердаги маҳкумлар билан суҳбатлар ўтказиш ҳамда уларнинг шахсий йиғма жилдлари билан танишиш, суриштирув ва дастлабки тергов органлари юритувидаги материаллар ва жиноят ишлари билан танишиш, амнистия актини қўллашга оид материалларни ўрганишда ва кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш ва амнистияга асосан жазодан озод бўлган шахслар билан олиб борилаётган ишлар аҳволини мониторинг қилиш ваколатига эга.

Амнистия актини қўллаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан жойларга юборилган кўрсатмада ҳам ушбу жамоатчилик гуруҳларига ишлаш учун барча шароитлар яратиб берилиши жойлардаги прокурорлар зиммасига устувор вазифа сифатида юклатилган.

Низом талабларига кўра, қарор асосида озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясига оид чораларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ва самарали тарзда ҳал этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, адлия идоралари ва судлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари орасидан ҳудудий комиссиялар тузилди.

Бу ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифаси жазодан озод этилган шахсларни бутун жамоатчилик томонидан маҳаллага қабул қилиб, уларни ҳаётга қайта мослашувига имконият яратилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатишдан иборатдир. Низомда амнистия тўғрисидаги қарорнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат Бош прокурор юклатилганлиги учун ҳам жойлардаги прокурорлар бу жараёнга ўта масъулият билан ёндашишлари керак.

Жойлардаги ҳокимликлар, ички ишлар идоралари, соғлиқни сақлаш идоралари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амнистия акти асосида барча жазодан озод этилган шахсларни тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш, уларни ишга жойлаштириш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборилишини таъминлашлари зарур.

Ҳокимликлар бу жараёнда, айниқса, вояга етмаганлар ва тақиқланган ташкилотларнинг собиқ аъзоларига нисбатан кўриладиган тарбиявий таъсир чораларининг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда жазодан озод этилган турли юкумли касалликка чалинган шахсларни тўлиқ ҳисобга олиб, уларни махсус даволаш муассасаларига жойлаштириш ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт.

Жазодан озод этилган шахсларни бутун жамоатчилик томонидан маҳаллага қабул қилиб, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш зарур. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтган, айниқса, бетоб фуқароларимизни тиббий кўрикдан ўтказиб, уларни даволаш, уй-жой билан таъминлаш, турмуш шароитларини яхшилаш ва касби-корига яраша ишга жойлаштириш масалаларида мурувват ва ҳомийлик кўрсатсак, амнистия тўғрисидаги Қарордан кўзланган ҳақиқий мақсадга эришган бўлар эдик.

Баҳром ЭРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи.



Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Сурхондарё вилоят прокуратураси ходимлари бу масалага алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ўсмирлар ва ёшлар билан учрашувлар аниқ режа асосида олиб борилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Бойсун туманидаги 12-сонли Меҳрибонлик уйида ўтказилди. Унда вилоят ва туман прокуратураси масъул ходимлари билан тарбияланувчилар ўртасида турли мавзуларда суҳбат ва савол-жавоблар бўлди. Тадбир давомида Меҳрибонлик уйига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Суратда: Бойсун тумани прокурори Моҳира Қурбонова Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан суҳбатлашмоқда.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда қуйидаги иншоотлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш учун очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

1. *Термиз тумани, «Лимонзор» маҳалласидаги «Туризм ва меҳмонхона хўжалиги» йўналишидаги 405/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.*

2. Бойсун тумани, «Дуоба» ҚФЙдаги «Хизмат кўрсатиш» йўналишидаги 435/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.

3. *Бойсун тумани, «Дарбанд» қишлоғидаги «Алоқа ва транспорт» йўналишидаги 435/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.*

4. Денов тумани, «Қизилгул» қишлоғидаги «Кичик ва ўрта бизнес» йўналишидаги 405/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.

5. *Денов тумани, «Сина» қишлоғидаги «Қишлоқ хўжалиги» йўналишидаги 435/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.*

6. Жарқўрғон тумани, Боботоғ маҳалласидаги «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш» йўналишидаги 435/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.

7. *Қизириқ тумани, Истара маҳалласидаги «Иқтисодиёт» йўналишидаги 585/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.*

8. Қумқўрғон тумани, Боймоқли қишлоғидаги «Сервис» йўналишидаги 435/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.

9. *Музработ тумани, «Гулистон» ҚФЙдаги «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги» йўналишидаги 435/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.*

10. Олтинсой тумани, «Қурама» ҚФЙдаги «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги» йўналишидаги 435/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.

11. *Сариосиё тумани, Телпакчинор маҳалласидаги «Тиббиёт» йўналишидаги 795/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.*

12. Узун тумани, «Жончека» ҚФЙдаги «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш» йўналишидаги 795/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.

13. *Шеробод тумани, Оққўрғон маҳалласидаги «Алоқа ва транспорт» йўналишидаги 435/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.*

14. Шўрчи тумани, Озод маҳалласидаги «Кичик ва ўрта бизнес» йўналишидаги 405/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.

15. *Шўрчи тумани, Далварзин маҳалласидаги «Иқтисодиёт» йўналишидаги 585/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.*

16. Олтинсой тумани, «Тўхтамиш» ҚФЙдаги «Кичик ва ўрта бизнес» йўналишидаги 405/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.

17. *Жарқўрғон тумани, Оқтепа маҳалласидаги «Спорт» йўналишидаги 405/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.*

18. Бандихон тумани, «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи учун 50 ўринли ётоқхона.

Иншоотларнинг қурилиш муддати — 2009 йил 1 август.

Иншоотларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел./факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздаваритектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, иккала босқич суди ҳам бунга битта ягона асос келтиради — **чиқиб кетганидан сўнг даъвогарларнинг улуши «Жамият»даги қолган иштирокчилар ичида тақсимланмаган, таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилмаган.** Яъни даъвогарларнинг чиқиб кетгани рост экану лекин ҳужжатлар ўзгартирилмабди...

Айтинг, таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритилмаганлиги, наҳотки ундан ўз ихтиёри билан улуши миқдорини олиб чиқиб кетган собиқ аъзоларни истаган пайтда яна қайтаришга асос бўлса? Қайси қонун ҳужжатида бу талаб кўрсатилган?

Эътибор қилсангиз, суд қарори билан даъвогарлар энди икки марта улушдор бўлди, МЧЖ икки бор жазоланди. Яъни даъвогарлар 2004 йилнинг январидаёқ МЧЖни ташкил қилишга қўшган улушларига тенг миқдорда маблағ олиб бўлишган эди. Суд қароридан сўнг улар амалда ҳақини олиб бўлган улушга яна эгалик қилишди — таъсисчилар рўйхатига қайта киритилдилар. Энди улар жамият фойдасига шерик ҳамда устав фондида ўз улушига эга. Учовлон ҳеч қандай улуш киритмасдан, МЧЖ устав фондига бир тийин ҳам маблағ қўймасдан суд қарори билан яна таъсисчи бўлдилар. «Имтиёзли» таъсисчилар! Шундай бўлади-да!

Суд олиб бўлинган улушга уларни яна хўжайин қилиб, МЧЖнинг қолган таъсисчилари ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини камситмадими? Агар чиқиб кетганларнинг улуши қолган таъсисчилар ўртасида тақсимланмаган экан, бу чиқиб кетган собиқ таъсисчилар ҳуқуқларининг бузилгани эмас, аслида қолган таъсисчиларнинг манфаати, ҳақ-ҳуқуқи билан боғлиқ масала-ку?

Даъво муддатини қўллаш ҳақидаги талаб тўғрисида биринчи босқич суди қарорида ҳеч қандай гап-сўз йўқ. Апелляция босқичи эса бунга юқоридаги асосдан ҳам

5

мўртроқ асос келтиради. Яъни апелляция ажримида **даъвогарлар даъво муддати ўта бошлаганлигини, инчунун, ҳуқуқи бузилганлигини собиқ раис Р.Исмоиловнинг турмуш ўртоғи даъвосига кўра бўлиб ўтган судда — 2007 йил 3 майда билган,** дейилади. Дарвоқе, таъсис шартномасига ҳали ўзгартиришлар киритилмаганлиги ростдан шу судда маълум бўлган ва собиқ таъсисчилар бундан воқиф бўлишган. Судга таъсисчилар рўйхатига тиклашни сўраб, даъво киритиш ҳам шундан кейин амалга оширилган. Қизиқ пародокс: таъсисчилар рўйхатида даъвогарлар мавжуд бўлса, яна нега рўйхатга киритишга даъво қилинади? Шунинг ўзи уларнинг таъсисчилар қаторидан чиқиб кетганлиги исботи эмасми? Қолаверса, бузилган ҳуқуқ бир неча йиллаб умумий йиғилишларга таклиф қилинмаётганида ёки йиллаб фойдадан дивиденд тўланмаётганида эмас, орадан 4 йил ўтиб, ўша ҳужжатни кўриб қолганда «англанса?». Бу мантиққа зид эмасми?

Аслида МЧЖ таъсис шартномаси ва Низомида таъсисчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Хўш, ҳақиқатан даъвогарлар ҳуқуқлари бузилганини 2007 йил 3 майда билган бўлсалар, ўзлари таъсисчилар сафидан чиқиб кетган 2004 йил январь ойидан бошлаб, ҳуқуқлари бузилганини билган муддатгача, яъни 3,5 йил мобайнида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширганмилар? Бирор марта «жамият» билан ҳамкорлик қилишганми, сайлаш-сайланишга, МЧЖ молиявий ёки хўжалик фаолиятига қизиқиб, фойдани тақсимлашда иштирок этишганми, режаларни тасдиқлаганми ва ҳоказо...

Йўқ, улар бундай масалалар билан умуман қизиқиб кўришмаган. Бу эса уларнинг жамиятдан чиқиб кетганлигига аниқ исбот эмасми? Энг жабланарлиси, суд тан олаётган 2007 йил 3 майдан кейин ҳам улар корхона ёки

6

бирор-бир идорага ҳуқуқим бузилди, деб мурожаат қилмаган, таъсисчилар рўйхатига киритинглар, деб талаб қўймаган.

Аслида суд келтираётган юқоридаги асос ҳам уларнинг ҳақиқатан таъсисчилар сафидан ўз ихтиёрига кўра чиққанлигини исботлайди. Негаки, улар таъсис шартномаси ўзгартирилмаганини, яъни ўзлари таъсисчилар рўйхатидан расман чиқарилмаганини билмаганларида, демак, ҳеч қачон бундай даъво билан чиқмаган бўлар эдилар. Кўриниб турибдики, таъсис ҳужжатлари ўзгартирилмаганлиги уларга баҳона бўлиб, бундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишмоқда.

МЧЖ Низомига кўра, *жамиятнинг вазифасини муттасил бажармайдиган ва суст бажарадиган ёки ўз хатти-ҳаракатлари билан «Ҳазорасп Дон» МЧЖ мақсадларига эришишга халақит бераётган таъсисчи таъсисчиларнинг кўпчилик овози билан МЧЖдан чиқарилиши мумкин.* Агар улар ростдан таъсисчилар рўйхатида бўлганида эди, ушбу талабга кўра, мажбуриятни ҳис қилмайдиган бундай таъсисчилар аллақачон рўйхатдан чиқарилмасмиди?

Энди бошқа собиқ таъсисчилар фикрига ҳам қулоқ солайлик. Жамиятнинг 5 фоизлик ва 13,2 фоизлик улушларига эга бўлган Ш.Ҳожиева ва Й.Саидовлар худди ўзлари каби даъвогарлар — И.Саидов, Р.Исаев ҳамда Р.Матяқубовлар ҳам ўз аризалари ва хоҳишларига кўра, қўшган улушларини олиб кетганлигини таъкидлашди.

— Мен ҳатто улар кетгандан кейин ҳам, «Келинглар, бирга ишлайлик, қийналяпмиз, ёрдам беринглар», деб уйларига борганман, унашмаган, — дейди таъсисчи Д.Аллаберганова.

Энг ажабланарлиси, даъвогарларнинг устав фондидаги улушини олганлиги факт. Ариза ёзиб чиқиб кетганлиги ҳам факт. Буни ҳеч ким инкор қилмаяпти. Лекин суд уларни яна таъсисчилар рўйхатига киритиб қўймоқда...

7

Шунга ўхшаш низоли ҳолатларда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида ҳуқуқшунос мутахассисга мурожаат қилдик.

Ёқубжон Тўлаганов, «Нажот маскани» адвокатлик фирмаси адвокати:

— Шу каби низоли ҳолатларда энг аввало даъвогар томонидан судга даъво муддатини тиклаш тўғрисида ариза билан мурожаат этилиши лозим. Суд даъво муддатини тиклаш тўғрисида аҳрим чиқаргандан сўнггина даъво аризаси иш юритувга қабул қилиниши мумкин. Таъсис шартномасининг ўзгартирилмаганлиги ўз хоҳишига кўра жамиятдан чиқиб кетган таъсисчиларнинг қайта тикланишига асос бўла олмайди. Агар таъсисчи алданиб ёки бошқа мажбурий ҳолатда корхонадан чиқарилган бўлса, бу ҳолат суд томонидан ўрганилиб, асосли ёки асоссизлиги текширилиши шарт.

Энг қизиғи, биз кўрган мана бу ҳолатда даъвогарлар даъво муддатини тиклаш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилмаганлар ва суд бу ҳақда аҳрим чиқармасдан даъво аризаларни қабул қилган. Даъвогарларнинг алданганлик ҳолати эса ўрганилмаган. Аслида уларни алдаб жамиятдан чиқарган бўлганларида эди таъсис шартномалари ва Низом ҳам ўзгартириб қўйилган бўлмасмиди?


Энди оёққа туриб, истиқболли режалар билан яшаётган корхона сўнгги икки йилда низолар гирдобида қолиб, аҳволи янада ёмонлашди. Таъсисчилар ўртасида низо пайдо бўлди. Хуллас, бундай ҳаракатлар МЧЖ фаолиятининг ривожланишига эмас, орқага кетишига сабаб бўлмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

8

Миллий банк:

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИКЛАРИ ВА ИНДИВИДУАЛ КРЕДИТ РЕЙТИНГЛАРИ



Ҳозирги вақтда жаҳонда халқаро рейтинг агентликларининг фаолиятига қизиқиш кучайганлиги кузатилмоқда. Ривожланиб бораётган глобал молиявий танглик уларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти қайта англанилишини тақозо этмоқда. Зеро, ҳозир чуқурлашиб бораётган глобаллашув жараёнлари ҳамда ривожланаётган ва иқтисодиёти ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларнинг иқтисодий муваффақиятлари агентликлар учун янги, ҳали ўзлаштирилмаган бозорларни очмоқда. Ушбу мақолада индивидуал халқаро рейтингларнинг аҳамиятини, уларнинг қанчалик заррурлиги ва долзарблигини таҳлил қилишга, рейтингга эга бўлиш орқали эришиладиган асосий афзалликларни очиб беришга ҳаракат қилинди. Шунингдек, жаҳондаги ва Ўзбекистон Республикасидаги агентликлар фаолиятининг қисқача тарихи ҳамда ҳозирги ривожланиш тенденциялари таърифланди.

Халқаро рейтинг агентликларини вужудга келтирган шарт-шароит ва улар ривожланиши тарихи

Маблағларни бирон ишга йўналтириш ҳақида қарор қабул қилиш чоғида якка тартибдаги инвесторлар ва компаниялар лойиҳани амалга ошириш давомида дуч келинадиган ташқи ҳамда ички хатарларни баҳолашлари ниҳоятда муҳимдир. Айниқса, уларнинг шериклари қанчалик ишончлилигини, улар ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажара олишлари ёки йўқлигини тушуниш ғоят муҳим.

Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти шароити инвестицион қарорларни имкон қадар тез қабул қилиш заруратини келтириб чиқаради. Натижада, хатарнинг барча омилларини синчиклаб ва батафсил таҳлил қилиш зарурати билан бозордаги конъюнктурага қараб ўз вақтида иш тутиш зарурати ўртасида зиддият келиб чиқади. Бундан ташқари, тўлақонли таҳлил учун бундай хатарларни минималлаштиришга қодир бўлган қимматбаҳо таҳлилчиларнинг доимий штатига эга бўлиш керак.

Бозор муносабатлари ривожланиши билан улар мураккаблашиб боради, янги молия воситалари ва бизнес юритиш усуллари вужудга келади, бозор иштирокчиларининг сони кўпаяди, сармояни йўналтиришнинг янги соҳалари пайдо бўлади.

Айни шу жараёнлар бозорнинг ҳар бир муҳим иштирокчиси, уларнинг маҳсулоти ҳақида стандартланган, универсал ва асосийси – нуфузли экспертлар фикри билдирилишига эҳтиёжни келтириб чиқарди. Жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг ҳозирги босқичида халқаро рейтинг агентликлари шундай экспертлар вазифасини бажармоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, рейтинг агентлигининг бизнеси унинг обрўсига асосланади. Маълумки, экспертлар фикри билдирилаётганда бу фикр ана шу шахс ёки ташкилотга бўлган ишонч даражасига қараб қадрланади.

Шу фактга асосланилса, 1975 йилда АҚШ Қимматли қоғозлар комиссияси (SEC) компанияларга муайян операцияларни фақат «миллий даражада эътироф этилган статистика рейтинг ташкилоти» (NRSRO) томонидан берилган рейтинглар асосида бажаришга рухсат этди. 1980 йиллар бошида еттита шундай ташкилот бор эди. Лекин қўшиб юборишлар ва қўшиб олишлар натижасида 90-йилларда улар сони учтага тушиб қолди.

Умумий тан олинган бу учта халқаро рейтинг агентлиги – Standard and Poor's, Moody's investors Service ва Fitch Ratings.

Standard & Poor's компанияси 1941 йилда иккита корпорация – Standard Statistics ва Poor's Publishing Company қўшилиши натижасида ташкил топди. Бироқ, Standard & Poor's бизнесининг бошланиши тарихи одатда 1860 йилда Генри Варнум Пурнинг «Қўшма Штатлардаги темир йўллар ва каналлар тарихи» деб номланган тадқиқоти чиқиши билан боғланади. Айни шу даврда Генри Пур молиявий ахборотни эълон қила бошлади. Америкада инфратузилма барпо этиш лойиҳасига ўз сармоясини йўналтирган ва бу маблағлар тақдири учун ташвишланаётган европалик инвесторлар мазкур ахборотга жуда муҳтож эдилар. 1867 йилда Генри Пур ўз ўғли билан бирга Poor's Railway Manual Company компаниясини очди (кейинчалик у Poor's Publishing Company деб номланди). 1906 йилда Лютер Блейк Standard Statistics Bureau компаниясини ташкил қилди. У Америка компанияларига илгари улар ололмай келган молиявий ахборотни тақдим этди. 1940 йилда муниципал облигацияларнинг дастлабки рейтинглари пайдо бўлди. 1966 йилда MGraw-Hill, Inc. корпорацияси S&P компаниясини сотиб олди ва ҳозир ҳам унга эгалик қилмоқда.

Ҳозирги вақтда Standard & Poor's компаниясининг штатида қарийб 8500 ходим бор. Улар компаниянинг жаҳондаги 23 мамлакатда жойлашган офисларида ишлашмоқда. Агентлик 120та мамлакатнинг 2 мингдан зиёд банки ва 2,5 мингдан ортиқ корпорацияси рейтингларини белгилайди.

Standard & Poor's амалиётга S'n'P 500 индексини киритди. Унга Америка иқтисодиётидаги етакчи тармоқларнинг пешқадамлари ҳисобланувчи 500та компания киради ва Америка компаниялари акцияларининг 80%дан кўпроғини қамраб олади. S&P Global 1200 индекси жаҳон сармоя бозорларининг қарийб 70%ни қамраб олади ва энг кенг тарқалган индекслардан 7тасини ўз ичига олади. Уларнинг кўпчилиги ўз минтақаларида етакчи ҳисобланади.

Moody's Investors Service рейтинг агентлигига 1900 йилда John Moody and Co номи билан асос солинган ва 1914 йилда ҳозирги номи берилган. Унинг асосчиси – «Саноат ва бошқа компанияларнинг қимматли қоғозларини баҳолаш бўйича қўлланма»нинг (1900 йил) муаллифи Жон Муди. Бу китоб жуда кенг оммалашган ва кўп маротаба қайта нашр қилинган. Жон Муди биржада котировкаланадиган қимматли қоғозларга кредит рейтинги бериш тўғрисидаги янги ғоянинг муаллифи ҳисобланади. У 1913 йилда саноат компаниялари ва коммунал корхоналарни баҳолай бошлаган.

Moody's рейтинглари 100та давлат, 12 мингта корпоратив эмитент, 29 мингта ижтимоий шўъба эмитентига, шунингдек, тузилмаларни молиялаш учун чиқарилган 96 мингта қимматли қоғоз ҳамда тахминан 1 мингта банкка берилган. Ҳозирги вақтда 22 мамлакатда Moody's офислари бор. Уларда ишлаётган ходимлар умумий миқдори 2900 кишидан ортиқ.

Fitch Ratings 1913 йил 24 декабрда Нью-Йоркда Жон Ноулз Фитч томонидан Fitch Publishing Company нашриёти сифатида ташкил этилган. Молиявий воситалар бўйича мустақил тадқиқотларга бўлган ўсиб борувчи талабни қондириш учун Fitch ҳаммага маълум бўлган, S'n'Рда ҳам қўлланилаётган «AAA»дан «D»гача рейтинг шкаласини жорий этди.

1989 йилда, Фитчлар сулоласининг охирги вакили вафот этганидан сўнг, Fitch қайта ташкил этилди. Кейинги ўн йилликлар мобайнида бир қанча бошқа стратегик агентликлар қўшиб олиниб, компаниянинг бизнеси анча катталашди. Fitch 1997 йилда қароргоҳи Лондонда бўлган IBCA Limited компанияси билан қўшиб юборилди. Агентлик навбатдаги қадам сифатида 2000 йилнинг апрель ойида қароргоҳи Чикагода жойлашган Duff & Phelps Credit Rating Co. компаниясини сотиб олди. Fitch кейинроқ, ўша йилнинг ўзида Thomson BankWatch компаниясини сотиб олди.

Fitch Ratings қароргоҳлари Нью-Йорк ва Лондонда жойлашган. Шунингдек, агентлик жаҳоннинг 90дан зиёд мамлакатидаги 49та офисда ишловчи 2200 нафар ходимга эга. Ҳозирги вақтда Fitch Ratings Ltd 1,6 мингта банк, 1,2 мингта корпорация, 1,4 мингта суғурта компанияси ва 89та давлатга рейтинг баҳоларини бермоқда. Fitch Парижда қароргоҳи жойлашган Fimalac, S.A. халқаро молия гуруҳининг шўъба компанияси ҳисобланади.

Кейинги йилларда рейтинг хизматлари бозорида рақобатни ошириш мақсадида SEC Америкининг A.M. Best Company, Канаданинг Dominion Bond Rating Service ва Японияниng Japan Credit Rating Agency ҳамда Ratings and Investment Information каби яна бир қанча агентликларига NRSRO мақомини берди. Бироқ, бу агентликлар бозорнинг фақат тор йўналишларида рейтинглар билан шуғулланади ва ҳозирча «катта учлик» билан тенг рақобатлашишга қодир эмас.

Халқаро кредит рейтингининг долзарблиги, унга эга бўлиш афзалликлари, рейтинг баҳосини бериш жараёнининг асосий босқичлари ва принциплари

Кредит рейтинги хўжалик юритувчи субъект ўзининг молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла ҳажмда бажара олиши ва бунга тайёрлиги хусусидаги агентлик фикрини ифодалайди. Узоқ йиллар давомида кредит рейтинглари эмитентларнинг кредит қобилиятини табақалаштиришнинг қулай воситаси сифатида инвесторлар орасида катта ҳурмат қозонди.


Кредит рейтинглари ташкилотга (мамлакат ҳукумати, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларига, корпорациялар, молия муассасалари, суғурта компаниялари, фондлар ва бошқаларга) ёки алоҳида қарз мажбуриятига берилиши мумкин.

Рейтинг агентликлари рейтингларни халқаро шкала бўйича (миллий ва хорижий валютадаги мажбуриятлар бўйича) ҳамда ҳар бир конкрет мамлакат учун махсус яратилган ва мослаштирилган миллий шкалалар бўйича беришлари мумкин. МДҲ мамлакатларида Россия, Украина ва Қозоғистон учун шундай шкалалар ишлаб чиқилган ва қўлланилмоқда. Бундай рейтинглар ички бозор учун мўлжалланган — ҳукуматга максимал рейтинг берилади (масалан, Россияда бу — AAAru) ҳамда маҳаллий бозорда барча компаниялар шу мўлжалга нисбат олиб рейтингланади. Шунга қарамай, халқаро бозорларда фаолият юритувчи компаниялар глобал шкала бўйича халқаро рейтингга эга бўлиши керак.


Рейтинг шкалалари 1-иловада кўрсатилган. Moody's шкаласи амалда бир хил бўлган Standard and Poor's ва Fitch шкалаларидан фарқ қилишига қарамай, уларнинг ҳаммаси тўла-тўкис таққосланиши мумкин. Умуман, рейтинглар инвестицион ва ноинвестицион рейтингларга бўлинади. «BBB-» («Baa3») даражасидан бошланадиган ва ундан юқорилари инвестицион рейтинглар ҳисобланади. Бундай бўлиниш асосий халқаро биржаларда муомалада бўладиган қимматли қоғозлар учун рейтингларнинг минимал кўрсаткичи борасида қўйиладиган ва уларнинг даромадлилигини таҳлил қилишда қўлланиладиган айрим талаблар билан боғлиқ.

Рейтинг у ёки бу қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш ёки сақлаш тўғрисидаги тавсия эмас. Шунингдек, рейтинг инвестициялашнинг у ёки бу тури мазкур инвестор учун мақбул ҳисобланиши тўғрисидаги фикрни ҳам билдирмайди. Агентликлар рейтинг жараёни давомида аудит ўтказмайдилар.

Лекин молия муассасасининг юқори рейтингига эга бўлиши катта даромад олиш учун жуда хилма-хил имкониятлар беради. Масалан, энг катта «AAA» рейтингига эга бўлган Европа Инвестиция Банки (ЕИБ) ўз



Манба: **S'n'P Annual Global Corporate Default Study**



Манба: **S'n'P Annual Global Corporate Default Study**

облигацияларини чиқариш йўли билан арзон ресурсларни жалб этади ва кейин бу ресурсларни унчалик юқори котировкаланмайдиган банкларга анча катта ставка билан беради. Ушбу ҳолат ЕИБга Европа Иттифоқини ривожлантирувчи банк сифатидаги ўз функцияларини самарали бажаришгина эмас, айни пайтда ўз фаолиятидан бирмунча осонлик билан катта фойда олиш имконини ҳам бермоқда.

Умуман олганда, кредит рейтингини олиш муайян компания ёки банк учун қуйидаги афзалликларни беради:

- мустақил, асосли ва эътиборли фикр билдириш орқали, кредит рейтинги эмитентга қарз маблағларидан ҳамда бошқа сармоя манбаларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради ва шу тариқа унинг молиявий мослашувчанлиги ортади;
- кредит рейтинги компаниянинг кредит қобилиятига берилган мустақил ва ишончли баҳо ҳисобланади ва бозор иштирокчилари шу баҳога таяниб, асосли молиявий қарорлар қабул қила оладилар. Бунинг натижасида компаниянинг қарз маблағларини жалб этиш чиқимлари камайиши мумкин. Учинчи шахсларнинг кафолати билан маблағларни жалб этадиган эмитентлар учун кредит рейтинги бундай кафолат қийматини пасайтириши ёки маблағларни кафолат олмасдан, кўпроқ самарадорлик билан жалб этиш имконини бериши мумкин;
- кредит рейтинги банклар ва бошқа молия воситачилари томонидан кредитлаш, пул бозоридаги битимлар, суғурта, лизинг бўйича қарорлар қабул қилиш учун ҳамда амалий шерикнинг кредит қобилиятини баҳолаш талаб қилинадиган бошқа ҳар қандай вазиятларда қўлланилади. Кўпгина компаниялар амалий музокаралар жараёнида ўз молиявий ахборотини ошкор қилмасликни маъқул кўрадилар. Бундай ҳолатда ташкилотнинг кредит рейтинги кредит қобилиятининг ишончли кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади;
- кредит рейтинги компания менежментига келгусидаги қарзлар қийматини аниқлашда ҳам ёрдам беради;
- мустақил фикр бўлган кредит рейтинги компанияни ва унинг қимматли қоғозларини бошқа компанияларнинг бозордаги дефолти туфайли юзага келадиган тўловга лаёқатсиз, деган ноадекват шубҳа-гумонлардан ҳимоя қилиши мумкин;
- бундан ташқари, рейтинглар инвестор томонидан кредит хатарини ва хатар учун мукофотни белгилашнинг оддий ва қулай воситаси сифатида қўлланилиши мумкин;
- пенсия, васийлик, пайчилик жамғармалари ҳамда молия маблағларини ишончли бошқаришнинг бошқа шакллари бошқарувчилари учун кредит рейтинглари мониторинг тизимининг зўр воситасидир. Рейтинглар ўзгариши инвестиция портфелига тегишли ўзгартишлар киритиш зарурлигини билдириши мумкин;
- инвестиция банклари ҳамда облигациялар бозорида ишловчи бошқа молия воситачилари облигациялар эмиссияларини режалаштириш ва жойлаштириш чоғида кредит рейтингидан фойдаланишлари мумкин;
- рейтинг шкалаларидан фойдаланиш иқтисодий табиати турлича бўлган эмитентларни (корпорациялар, минтақалар, муниципалитетлар, банклар, суғурта компаниялари ва бошқаларни) кредит хатарининг ҳажми бўйича таққослаш имконини беради.

Банкрот бўлишлар сони компанияларнинг берилган рейтинглари даражасига боғлиқлиги бир қанча тадқиқотлар натижасида аниқланган ва бу тадқиқотлар рейтинг тизимининг асослилигини тасдиқлайди (1-расм ва 2-расм)..

1-расм. *Турли тоифалардаги рейтинглар бўйича дефолтлар ўртача умумий сонини тадқиқ этиш натижалари, 1981-2007 йиллар.*

2-расм. *Турли тоифалардаги рейтинглар бўйича дефолтлар ўртача умумий миқдори, 1981-2007 йиллар.*

Халқаро рейтинг агентликлари фаолияти ривожланишининг ҳозирги замон тенденциялари

2000 йилларнинг бошларида кўчмас мулк бозорида катта шов-шув бўлиши, Федерал резерв тизимининг ставкалари пастлиги сабабли арзон нақд маблағлар ортиғи билан етказиб берилгани оқибатида у янада кучайиши натижасида энг катта инвестиция банклари қўплаб мураккаб молия маҳсулотларини яратишга муваффақ бўлди. Булар асосан CDO – Collateralized Debt Obligation каби ипотека кредитлари деривативлари эди. Бу воситаларни кейинчалик банклар, пенсия жамғармалари ва марказий банклар сингари йирик инвесторларга сотиш учун тегишли халқаро кредит рейтинги зарур эди. Одатда, CDO турли сифатдаги ҳам стандарт (ишончли қарз олувчиларга берилган), ҳам субстандарт (subprime) ипотека кредитлари қоришмаси бўлар эди.

Сўнг, CDOга кирган ипотека кредитлари бўйича дефолтлар мислсиз даражада кўпайиб кетганидан кейин 2007 йилнинг ёзида «Катта учлик» умумий қиймати 1 трлн. доллардан ортиқ бўлган қимматли қоғозларни қайта кўриб чиқди. Шунинг ўзиёқ уларни ушловчилар 100 млрд. доллардан ортиқ зарар кўриши ва ўз маблағларини ҳисобдан чиқаришига олиб келди.

State Street компанияси бошқараётган CDO синфларидан бирининг S'n'P рейтинги бир йўла 18 даража пасайтирилгани, яъни AAA деб номланувчи энг юқори инвестиция рейтингидан дефолтга яқин CCC-рейтингигача пасайтирилиши каби айрим ҳолатлар тангликнинг нақадар чуқур бўлганини кўрсатади. Шунингдек, кўп миллиардли облигациялар нашрлари рейтинги 5-8-10 даражага туширилиши ҳоллари ҳам кўплаб юз берди. Credit Suisse банкининг баҳолашича, 2007 йилнинг охирига келганда S'n'P, Moody's ва Fitch 2006 йилда чиқарилган CDOлардан 70%нинг рейтингини энг юқори даражадан пасайтирди.

Яқин истиқболда асосий халқаро сармоя ва қимматли қоғозлар бозорларидаги вазият ёмонлашуви давом этиши кутилмоқда. Шу муносабат билан, инвесторлар глобал бозор билан унчалик боғлиқ бўлмаган ва шу вазиятда унча катта бўлмаган хатар ва барқарорлик шароитида инвестициялар даромадлилигини таъминлай оладиган бошқа бозорларни фаол тадқиқ этаяптилар.

2007 йилнинг ўрталаридан буён жаҳон сармоя бозорларида давом этиб келаётган ликвидликка оид кескинлик Қозоғистон, Россия ва Украина банк тизимларига у ёки бу тарзда ўз таъсирини ўтказди. Россия ва Украина банкларига ушбу вазият кўрсатган таъсирни, ҳозирча, нисбатан юмшоқ таъсир дейиш мумкин. Ҳолбуки, ташқи қарзларга жуда боғланиб қолган Қозоғистон банклари учун ушбу кескинлик анча ёмон оқибатларни келтириб чиқарди.

Шунга кўра, Қозоғистон ва Украина банк тизимларида вазият барқарор эмас, деб топилди: масалан, 2008 йилнинг февраль ойи ўрталарида ва март ойида Украинада ликвидлик анча ёмонлашгани қайд этилди.

Натижада, Standard & Poor's агентлиги 2008 йил 12 июнда Украинанинг хорижий валютадаги мажбуриятлар бўйича узоқ муддатли суверен рейтингини «BB-»дан «B+»га туширди. Агентлик таҳлилчиларининг аҳборотига қараганда, мамлакат ҳокимияти ўсиб бораётган инфляцияни енга олмаяпти. Украина рейтинги бўйича прогноз барқарор қолди.

Украинанинг миллий валютадаги мажбуриятлар бўйича рейтинги ҳам «BB»дан «BB-»га туширилди.

Бундан ташқари, 2007 йил октябрь ойи бошларида Standard & Poor's Қозоғистон Республикасининг хорижий валютадаги мажбуриятлар бўйича узоқ муддатли суверен рейтингини «BBB»дан «BBB-»га туширди ва прогнозни «салбий» деб белгилади. Бу эса, мамлакат молия тизимида фондлаш билан боғлиқ муаммолар борлигини акс эттирди.

Омонатчиларнинг ишончи камайгани ҳамда бир неча банклар биргаликда берган халқаро қарзларни ва хорижий банкларо депозитларни такрор молиялаш борасида июль ойида бошланган қийинчиликлар Қозоғистон банкларини Қозоғистон Миллий банкидан ликвидликни сақлаб туриш учун қисқа муддатли молиялашни илтимос қилишга мажбур этди. Ушбу ҳолат маҳаллий тижорат банклари юзага келган қийинчиликларни мустақил ҳал этишга қодир эмаслигидан далолат беради.

Қозоғистон Миллий банки ликвидликни сақлаб туриш учун банкларга ҳаммаси бўлиб 10 млрд. АҚШ долларидан ортиқроқ маблағ ёки миллий пул базасининг деярли тўртдан уч қисмини берди. Оқибатда танглик бошланганидан буён Қозоғистон банклари акцияларининг котировкалари деярли 50% пасайди, Қозоғистон олтин-валюта резервлари эса 5 млрд. АҚШ долларига камайиб, 18,4 млрд. АҚШ долларига тушиб қолди. Натижада, ички молиявий лаёқат йўқлиги Moody's халқаро агентлиги «Казкоммерцбанк», «Туран-Алем банк», «Халик-банк», «Альянс-банк», «Центр-Кредит банк» ва «Темирбанк» каби банкларнинг рейтингларини пасайтиришига олиб келди.

Айни пайтда, Россия банк тизими жаҳондаги тангликни анча енгилроқ ўтказди. Фақат 2008 йил март ойининг ўзида ликвидлик ёмонлашиши мумкинлиги хусусида бироз ташвиш пайдо бўлгани қайд этилди, холос.

Бироқ, 2008 йил 17 июлда Moody's Россиянинг рейтингларини Baa2дан Baa1га кўтарди. Агентликнинг матбуот-релизида хабар қилинишича, рейтинг бўйича прогноз – «ижобий». Baa1 рейтинги ҳукумат облигацияларига, шунингдек, хорижий валютадаги депозитлар учун мамлакат бўйича энг юқори кўрсаткичга берилган эди.

Айни вақтда, хорижий валютадаги облигациялар учун мамлакат бўйича энг юқори кўрсаткичга берилган А2 рейтингига доир прогноз «ижобий» деб ўзгартирилди. Маҳаллий валютадаги облигациялар учун рейтингнинг энг юқори кўрсаткичи «барқарор» кўрсаткичи билан А1 даражасида тасдиқланди.

Moody's ўзи қабул қилган қарорни шарҳлаб таъкидлашича, Россия кейинги 9 йил мобайнида хорижий валютада катта ҳажмдаги активларни тўплади ва шу билан бирга, давлат қарз мажбуриятларини сўндириб, уларни нисбатан арзимас даражагача қисқартирди.

Шак-шубҳасиз, бундай натижаларга эришилиши Россия ҳукумати томонидан олиб борилаётган макроиқтисодий ва сиёсий барқарорлик сиёсатининг оқибатидир.

Бир томондан ички талаб, иккинчи томондан нефть-газ шўъбаси йўналтирган инвестициялар натижасида иқтисодиётни диверсификациялашда муайян силжиш рўй берганлиги рейтинг ошишига таъсир кўрсатган яна бир омил бўлди.

Агентликнинг фикрича, унча узоқ бўлмаган истиқболда Россия, тўлов балансини қисқариши ва бюджетдаги профицит кутилаётганига қарамай, иқтисодий ўсишнинг анча дадил кўрсаткичларини сақлаб қолишга муваффақ бўлади. Шу маънода, деб таъкидлайди Moody's, ҳукумат пул қадрсизланишини жиловлашга, амалий муҳитни яхшилашга ва давлат ишларини ҳам, давлат корпорациялари билан узвий боғлиқ ишларни ҳам олиб бориш самарадорлигини оширишга қодирлиги биринчи ўринга чиқади.

Шунингдек, Moody's 10та Россия банкининг рейтингларини Baa1 даражасигача кўтарди. Булар, хусусан «Банк ВТБ» ОАЖ, «Банк ВТБ Северо-Запад», «ВТБ-24», «ДельтаКредитБанк», «Россельхозбанк», «Сбербанк», «Внешэкономбанк», «Газпромбанк», «Банк Москви» ва «Райффайзенбанк» ЁАЖ кабилардир.

Юқорида баён этилганларга таяниб айтиш мумкинки, глобал молиявий тангликлар шароитида миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги тартибга солувчи органларнинг пухта ўйланган ва барча жиҳатлар ҳисобга олинган сиёсатига боғлиқдир. Кейинги бир неча йиллар давомида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарор ўсаётганлигини намойиш қилиб келаётган Ўзбекистон Республикаси ҳозирги тангликнинг бирон бир сезиларли салбий оқибатини ўзида ҳис қилмади. Ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришилгани, зарур инвестицион инфратузилмани вужудга келтирувчи комплекс ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш борасида самарали сиёсат юритилаётгани йирик хорижий инвесторлар Республика иқтисодиётига катта қизиқиш билан қарашида муҳим омил бўлмоқда. Бу, жумладан, халқаро рейтинг агентликларининг Ўзбекистон ҳудудидаги ва биринчи навбатда молия муассасалари рейтинглари бозоридаги фаоллиги ортишига ҳам сабаб бўлаяпти.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг 5та банки глобал шкала бўйича кредит рейтингларини олган. Булар – Ўзмиллийбанк (Moody's), «Асака» банки (Fitch), «Пахтабанк» (Fitch), «Ғаллабанк» (Moody's) ва «Ҳамкорбанк» (Fitch) (1-илова). Яқин орада Ўзбекистоннинг бошқа барча йирик ва ўрта банкларига ҳам халқаро рейтинглар берилиши кутилмоқда. Энг юқори рейтингга эга бўлган ва Ўзбекистон банк тизимида етакчилик қилаётган Ўзмиллийбанк бошқа халқаро рейтинг агентлигининг навбатдаги рейтинг олиш масаласи устида ишламоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон тижорат банкларининг рейтинглари нисбатан паст ҳисобланади, лекин кўпгина таҳлилчилар миллий иқтисодиёт ва банк тизими янада ривожланиши учун катта имкониятлар борлигини таъкидлашмоқда.

Қоида тариқасида, рейтинг агентликлари янги бозорларда рейтинглар бераётганида консерватизм йўлини тутадилар ва ўз рейтингларини пастроғидан бошлаб босқичмабосқич ривожлантиришга ҳаракат қиладилар. Шундай экан, Ўзбекистон банклари ўз рейтингларини мамлакатнинг иқтисодиёти ва молия тизимидаги аҳволни реал акс эттирадиган даражага кўтаришлари учун уларда муайян имконият мавжуд, деб хулоса чиқариш мумкин.

Илова:

1-илова. Standard and Poor's, Moody's Investors Service ва Fitch Ratings узоқ муддатли индивидуал рейтинглари шкалалари ҳамда Ўзбекистон банклари олган рейтинглар

Aaa (AAA) – Baa3 (BBB-) рейтинглари асосан суверен инвестицион рейтингга эга бўлган мамлакатларнинг компаниялари ва банкларига берилади.

Ўзбекистон банклари олган халқаро рейтинглар диапазони қуйидагича:

MOODY'S	S'n'P	FITCH	
Ba1	BB+	BB+	
Ba2	BB	BB	
Ba3	BB-	BB-	«Асакабанк»
B1	B+	B+	
B2	B	B	
B3	B-	B-	

«Ўзмиллийбанк»

«Ғаллабанк»

«Пахтабанк»
«Ҳамкорбанк»

Caa1 (CCC+) – C(D) рейтинглари хатар даражаси юқори бўлган, оғир молиявий аҳволдаги компаниялар ва банкларга берилади.

Рустам ЗОКИРОВ,
«Ўзмиллийбанк».

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙИБ, ДАРОМАДЛАР ОШМОҚДА

Акциядорлик-тижорат «Пахта банк» мамлакат қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўз тизимини бозор муносабатлари талаблари асосида ислоҳ қилиб боришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Натижада кейинги йилларда банкнинг вилоят бошқармалари ва туман бўлимларида қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда улар билан доимий ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган ташкилотларга замонавий банк хизмати кўрсатиш тамойиллари такомиллашди.

Акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Самарқанд вилоят бошқармасида амалга оширилаётган ишлар айниқса диққатга сазовор. Бошқарма ярим йил мобайнида ўз фаолиятини ривожлантира бориб, асосий эътиборни банкнинг актив ва пассивларини мукаммал бошқариш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, банк ликвидлилиги ва даромадлилигини оптимал даражада сақлаш, банк таваккалчилигини оқилона, бозор муносабатлари қонуниятлари асосида бошқариш ҳамда банкнинг келгуси йўналишларини белгилашга қаратди. Хусусан, бугун диққат-эътибор банк капиталини кўпайтиришга қаратилган.

Бошқарма ўзининг жойлардаги 19 та филиали, 44 та минибанки ҳамда 19 та махсус кассаси орқали жами 16 мингдан ортиқ мижозларга замонавий банк хизмати кўрсатиб келмоқда.

Банкнинг жамланма капитали 2008 йил 1 январь ҳолатига 10,7 млрд. сўмга етди ҳамда ушбу кўрсаткич жорий йилнинг охиригача 18,2 млрд. сўмга етказилиши ёки йил бошига нисбатан 7,5 млрд. сўмга оширилиши мўлжалланган. Банк активлари 2008 йил 1 январь ҳолатига 60,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг 1 август ҳолатига 92,3 млрд. сўмга етди ёки йил бошига нисбатан 31,7 млрд. сўмга ошди.

Жорий йил бошига нисбатан банк кредит қўйилмалари 26,2 млрд. сўмга ошган бўлиб, 1 сентябрь ҳолатига 52,0 млрд сўмни ташкил қилди. Шундан, қишлоқ хўжалиги соҳасига 27,9 млрд. сўм, моддий техника ва таъминотга 4,5 млрд. сўм, савдо ва хизмат кўрсатишга 1,9 млрд. сўм, саноат соҳасига 8,5 млрд. сўм, қурилиш соҳасига 1,6 млрд. сўм ва бошқа соҳаларга 7,6 млрд. сўм ажратилди.

Жорий йилнинг 7 ойи давомида қишлоқ хўжалик корхоналарига 12,0 млрд. сўмдан ортиқроқ кредит маблағлари ажратилди. Ажратилган маблағлар ҳисобидан 33 та дон ўриш комбайнлари, 35 та ҳайдов тракторлари, 54 та чопиқ тракторлари ва бошқа ёрдамчи техника ҳамда эҳтиёт қисмлар сотиб олинди. Шу билан бирга ушбу маблағлар ҳисобидан наслли чорва моллари сотиб олиш учун 3,0 млрд. сўм ва картошка уруғи сотиб олиш учун 1,0 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Банк томонидан ажратилган кредитлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, банкнинг Каттақўрғон филиалида хизмат кўрсатилаётган «Баҳри бобо» фермер хўжалиги шу йилнинг бошида узоқ муддатли банк кредити эвазига ВТ-100А русумли ҳайдов трактори сотиб олди. Ўз навбатида фермер хўжалиги янги техника билан ўзининг 125,0 га майдонидан ташқари бошқа фермер хўжаликларининг 310 гектар майдонида иш бажариши эвазига 10,0 млн. сўмдан ортиқ маблағ жамғаришга эришган.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла хомашёсини етиштириш учун хизмат кўрсатилаётган беш мингдан зиёд фермер хўжаликларига жами 30,0 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Айни пайтда банкда хизмат кўрсатилаётган тўрт мингдан ортиқ фермер хўжаликларига 43 минг гектар майдонда экилган ғўзани парваришлаш мақсадида чеканка ишларини амалга ошириш учун иш ҳақлари ўз вақтида тарқатилди. Бундан ташқари, 2008 йил пахта йиғим-теримини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида банкда хизмат кўрсатилаётган машина-трактор парклари ҳамда техникаси мавжуд фермер хўжаликларига теримда қатнашадиган техникаларни мавсумга тайёрлаш мақсадида банк кредитлари эвазига тракторларга тиркамалар, шиналар ва бошқа керакли эҳтиёт қисмлари олиб берилди.

2008 йилнинг етти ойи давомида 750 дан ортиқ кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2,5 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 130 фоизга ошди. Шундан 350 дан ортиқ тадбиркор аёлларга 447,0 млн. сўм ва 58 та ёш оилаларга 314,0 млн. сўм кредитлар ажратилди. Ва жами ажратилган кредитлар эвазига 1500 дан зиёд янги ишчи ўринлари яратилди.

Вилоят бошқармаси томонидан ўн мингдан зиёд аҳолига ажратилган истеъмол кредитлари 1 август ҳолатига 4,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 1,5 млрд. сўмга ошди. Шу жумладан, икки мингга яқин ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар 1,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, 800 дан ортиқ ёш оилаларга радиоэлектрон ва маиший асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 550,0 млн. сўм, 600 дан ортиқ ёш оилага мебель ва уй жиҳозлари сотиб олиш учун 700,0 млн. сўм ҳамда 450 дан ортиқ оилага уй-рўзғор буюмлари сотиб олиш учун 150,0 млн. сўм истеъмол кредитлари берилди. Бу борада аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида туманларда банк ташаббуси билан маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни истеъмол кредити эвазига сотадиган 20 дан ортиқ дўконлар ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 20 февралдаги Фармонини бажариш мақсадида жойларда аҳоли ўртасида бир қатор тарғибот ишлари ўтказилиши натижасида аҳоли омонатлари қолдиғи 2008 йил 1 август ҳолатига 13,1 млрд. сўмга етди. Шундан жамғарма ва муддатли омонатлар 9,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Жами омонатлар йил бошига нисбатан 2,6 млрд. сўмга ошган бўлса, жамғарма ва муддатли омонатлар 2,4 млрд. сўмга ошди.

Банк филиалларида нақд пул тушумини кўпайтириш ҳамда банкдан ташқари пул айланмаларини қисқартириш мақсадида қишлоқ жойларда жами 70 дан ортиқ чакана савдо дўконлари ташкил қилиниб, уларни таъмирлаш ва янги дўконлар қурилишига 485,0 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан 20 дан ортиқ савдо дўкони қурилиши учун 210,0 млн. сўм ва 50 дан ортиқ савдо дўконларини қайта таъмирлаш учун 275,0 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, ушбу дўконларни озиқ-овқат ва халқ истеъмол моллари билан тўлдириш мақсадида уларга айланма маблағларини тўлдириш учун 1,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Натижада, жорий йилнинг июль ойида ушбу савдо дўконлари томонидан банк кассаларига 1,5 млрд. сўм миқдорида нақд пул топширилган бўлса, август ойининг 15 кунида ушбу кўрсаткич 1,0 млрд. сўмни ташкил қилди ҳамда янги очилган савдо дўконларида 150 дан зиёд фуқаролар иш билан таъминланди.

2008 йилнинг етти ойи давомида вилоят бўйича жами 118,8 млрд. сўм нақд пул тушумига эришилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 157,3 фоизга ёки 43,2 млрд. сўмга кўпайишига эришилди.

Жумладан, 2008 йил 1 январь ҳолатига, пластик карточкалар сони 60,0 мингтани ҳамда улардаги маблағ қолдиғи 1,8 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 1 август ҳолатига пластик карточкалар 89 мингтага етиб, улардаги қолдиқ маблағ 10,0 млрд. сўмни ташкил қилди.

Жорий йил бошида 198 та савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига терминаллар ўрнатилган бўлиб, улар орқали жами 4,9 млрд. сўм савдо айланмаси амалга оширилган бўлса, 1 август ҳолатига терминаллар сони 208 тани ташкил қилиб, улар орқали 9,4 млрд. сўм савдо айланмалари амалга оширилган.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Жиззах вилоятининг 2009 йил Манзилли дастурига киритилган касб-ҳунар коллежлари:

1	Арнасой тумани, Б.Файзиев номли фермер хўжалигидаги 360 ўқувчи ўринли, 50 ўринли ётоқхонаси билан «Транспорт ва саноат» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан)
2	Бахмал тумани, «Узунбулоқ» ҚФЙдаги 360 ўқувчи ўринли, 50 ўринли ётоқхонаси билан «Маиший хизмат» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан)
3	Бахмал тумани, «Сангзор» ҚФЙдаги 360 ўқувчи ўринли, 50 ўринли ётоқхонаси билан «Қишлоқ хўжалиги» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан)
4	Жиззах тумани, «Ҳамзаобод» ҚФЙдаги 360 ўқувчи ўринли «Транспорт ва саноат» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан)
5	Зарбдор тумани, «Шарқ юлдузи» ҚФЙдаги 360 ўқувчи ўринли «Ахборот технологиялари» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан)
6	Зомин тумани, «Туркман» ҚФЙдаги 360 ўқувчи ўринли, 50 ўринли ётоқхонаси билан «Ижтимоий иқтисодиёт» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан)
7	Пахтакор тумани, «Самарқанд» ҚФЙдаги 540 ўқувчи ўринли, 50 ўринли ётоқхонаси билан «Ижтимоий педагогика» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан)
8	Фориш тумани, «Гараша» ҚФЙдаги 360 ўқувчи ўринли, 50 ўринли ётоқхонаси билан «Ижтимоий иқтисодиёт» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан)
9	Фориш тумани, «Ухум» ҚФЙдаги 360 ўқувчи ўринли, 50 ўринли ётоқхонаси билан «Маиший хизмат ва транспорт» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан)
10	Янгиобод тумани, «Сармич» ҚФЙдаги 360 ўқувчи ўринли, 50 ўринли ётоқхонаси билан «Ахборот технологиялари» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан)
11	Ғаллаорол тумани «Қўйтош» ҚФЙдаги 360 ўқувчи ўринли, 50 ўринли ётоқхонаси билан «Транспорт ва саноат» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан)
12	Ғаллаорол тумани, Э.Исмоилов номли АХМ, «Жума» ҚФЙ, Иттифоқ қишлоғидаги 360 ўқувчи ўринли, 50 ўринли ётоқхонаси билан «Қишлоқ хўжалиги» йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан)

Қурилиш ишларни тугаллаш муддати: 2009 йил 1 августгача.

Қурилиш ишларини молиялаштириш ***Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси***га ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.

Телефон/факс: (8-372) 222-31-59, 222-30-11.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20% миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жизах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона.
Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотни тўлиқича қуриб, «калити билан» фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи: **Самарқанд шаҳри, Ибн Сино кўчасида 495 ўқувчи ўринли академик лицей қурилиши, 200 ўринли ётоқхонаси билан**

Қурилиш муддати — *11 ой.*

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Саидова кўчаси, 76-уй, ***телефон:*** (8-371) 227-11-84.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: ***Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 10-00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида*** ўтказилади.

«MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI»да

ҳафтанинг ҳар сешанба, жума кунлари соат 16.00 да қуйидаги бўш турган ва қурилиши тугалланмаган бинолар бўйича ўтказиладиган очиқ танлов савдолари давом эттирилади:

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани «Сувчи» даҳаси, Чо Мен Хи кўчасидаги қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси. Умумий қурилиш майдони 9 886,0 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 894 275,28 АҚШ дол.

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, «Бинокор» кўрғонида жойлашган, қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси. Умумий қурилиш майдони 2 607,0 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 126 843,89 АҚШ дол.

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, «Янгиобод» даҳаси, Шохсанам кўчасидаги қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси. Умумий қурилиш майдони 3 600,0 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 632 401,07 АҚШ дол.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Спутник-16» даҳасидаги қурилиши тугалланмаган «Савдо маркази» биноси. Умумий қурилиш майдони 2 923,0 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 209 964,80 АҚШ дол.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Спутник-17» даҳасидаги қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси. Умумий қурилиш майдони 6 047,0 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 772 039,67 АҚШ дол.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 29-уй манзилдаги бўш турган маъмурий бино. Умумий қурилиш майдони 2 317,0 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 1 976 253,34 АҚШ дол.

Шунингдек, бошланғич баҳоси 553350,94 АҚШ доллари бўлган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 19-мавзедаги Қариялар пансионати ёнида жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Интернат уйи» биноси 2008 йил 26 сентябрдан бошлаб қайта танлов савдосига қўйилади. Умумий қурилиш майдони 2 426,0 кв.м. Объект шу куни сотилмаган тақдирда унинг савдоси навбатдаги сешанба, жума кунлари бўлиб ўтадиган танлов савдоларига қайта қўйилади.

Танлов шартлари:

— Энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— Қисқа муддат, кўпи билан 1,5 йил ичида қурилиш меъёрий қоидалари (ҚМҚ) талабларига мувофиқ қурилишни тугатиш;

— Қурилиш ва бошқалар учун зарурий инвестицияни киритиш;

— «Объект» негизида ташкил қилинадиган фаолият турини «Бизнес режа» асосида амалга ошириш;

— Янги иш жойларини ташкил қилиш;

— Объект ҳудуди ва атрофини ободонлаштириш.

Танлов савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ўтказиладиган санадан камида уч кун аввал ўз сармоявий таклифларини конвертга муҳрланган ҳолда ва қуйидаги ҳужжатлар тўплами билан бирга тақдим қилишлари шарт.

1. Танлов қатнашчисининг талабномаси.

2. Таъсис ҳужжатлари нусхалари (хорижий сармоядорлар — ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари).

3. Сармоядорлар вакилига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома.

4. Сармоядорнинг тўлов салоҳиятига эга эканлигини тасдиқловчи, хизмат кўрсатувчи банкнинг маълумотномаси.

5. «Объект»ни сотиб олиш баҳоси (бошланғич баҳосидан кам бўлмаган миқдорда), шакллантириладиган бизнес йўналишига киритиладиган сармоя миқдори ва муддати кўрсатилган «Бизнес режа» (конвертга солинган ҳолда тақдим этилади).

6. Савдода қатнашиш учун савдо объекти кўрсатилган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Жисмоний шахслардан — паспорт нусхалари.

Сотилиши белгиланган «Объект»ларнинг бошланғич баҳоси эркин муомаладаги валютада белгиланган бўлиб, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мазкур «Объект»лар миллий валютада сотилиши мумкин, бунда тўловлар тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган сармоядорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини миллий валютда «Munitsipal Auksion Markazi»нинг АИКБ «Ипак йўли» МФО 00444, СТИР 300053338, 20208000104555055002 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт. Эркин муомаладаги валютада (АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бош бошқармаси ҳисоб касса марказидаги МФО 00014, 21508840000600289002 ҳисоб рақамига ўтказилади. SWIFT:CBUZUZ22

Шунингдек, 2008 йил 3 октябрдан 31 декабргача ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари соат 14.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига таклиф этамиз.

Тошкент вилояти Хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Болалар таоми холдинг» ХК ОАЖга қарашли қуйидаги бино ва иншоотлар мол-мулклари билан:

Бошланғич баҳоси 46 125 000 000 сўм бўлган Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 57-уй манзилда жойлашган Янгийўл филиалининг барча бино ва иншоотлари ва мол-мулклари, мужассам ҳолда.

Бошланғич баҳоси 31 590 000 000 сўм бўлган Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Амир Темур кўчасида жойлашган Ғазалкент филиалининг барча бино ва иншоотлари ҳамда мол-мулклари, мужассам ҳолда.

Бошланғич баҳоси 30 285 000 000 сўм бўлган Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Ингичка кўчасида жойлашган Каттақўрғон филиалининг барча бино ва иншоотлари ҳамда мол-мулклари, мужассам ҳолда, аукцион савдоларига қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объект ҳамда автотранспорт воситаси бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Munitsipal Auksion Markazi»нинг АИКБ «Ипак йўли» МФО 00444, СТИР 300053338, 20208000104555055002 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй, 2-қават. Телефон: 244-88-02, 244-88-04 (факс).

Гувоҳнома № 001568-09





«БОЗОРИ ТЎКИН ЭЛНИНГ ТУРМУШИ ФАРОВОН БЎЛАДИ»

Халқимиз меҳнаткаш. Ҳар бир ўзбек боғ яратади. Боғи етилиб, мева-чевалари мўл-кўл бўлади. Деҳқонларимизнинг ҳалол меҳнатлари эвазига етиштирилган сархил мева-чевалар билан бозорларимиз тўлади. Шу боис юртда ҳам тўкин-сочинлик, ҳам арзончилик бўлади. Юртимизнинг бир бурчаги бўлмиш Ғузор деҳқон бозори ҳам ўлкамиз нозу неъматлари билан тўлиб турибди.

Деҳқон бозори одамлар билан гавжум. Расталардаги қуруқ ва ҳўл мевалар тартиб билан жойлаштирилган. Бир томонда картошка, пиёз, сабзавотлар ва кўкатлар. Бир томонда бошқа сара маҳсулотлар. Помидор, узум, олма, анор...

Ўз маҳсулотининг таърифу тавсифини келтириб, кўли қўлига тегмай савдо қилаётган деҳқонларни айтмайсизми? Улар деҳқон. Савдосига талашса талашадики, тошу тарозидан уриб, харидорнинг ҳақига хиёнат қилмайди. Шу боис бу ерга келган харидор бозордан мамнун бўлиб чиқади.

— Бозоримизда савдо қилаётган деҳқонларга бир эътибор беринг, — дейди ҳамроҳимиз Нормурод Топаров. — Чеҳраларидаги хурсандчиликни кўрасиз. Энг сифатли ва сара маҳсулотларни бир сўм бўлса ҳам, ёнидаги шеригидан арзон сотади. Зеро, бозорнинг талаби шундай. Кимнинг маҳсулоти сифатли ва арзон бўлса, харидор ўшандан олади-да. Қолаверса, харидор ҳам олган нарсасидан барака топса, алқайди, дуо қилади. Натижада сотувчининг ҳам топган-тутганида барака бўлади.

Ҳа, Ғузорнинг кафтдеккина жойида жойлашган бу бозорда тўкин-сочинликнинг, бараканинг боиси бағрикенгликда, сахийликда. Бунда мутасаддиларнинг бозорда шарт-шароитларни янада яхшилаш учун олиб бораётган саъй-ҳаракатлари, қилаётган меҳнатлари ҳам катта аҳамият касб этади.

Бозор тўрт қиёмдан иборат. Мавжуд бешта айвонда 850 та савдо ўринлари тартиб билан жойлаштирилган. Улардан 130 таси мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллик шодиёналари арафасида замонавий усулда қуриб ишга туширилганлигини таъкидлаш лозим.

— Бозор — хос ва хислатли жой. Ҳар бир келиб кетувчи билан муомала қилишнинг ўзи бўлмайди, — дейди бошқарув раиси Қаҳрамон Турсунов. — Шу боис бозорни ривожлантириш ва талаб даражасида ишни ташкил этиш доимо диққат-эътиборимизда. Ҳар куни битта янгилик, ўзгариш қилишга ҳаракат қиламиз. Умумий ер майдонимиз 2,1 гектар бўлиб, бозорга 1987 йили асос солинган эди. Ўшанда муҳтарам Президентимизнинг вилоятимизда ишлаб юрган пайтлари эди. Туманимизга келиб, Ғузорда тайинли бозор бўлмагани учун айнан шу масала билан алоҳида қизиқиб, аҳоли билан маслаҳатлашиб, мана шу ерда бозор қуришни ўзлари тавсия қилиб, қимматли маслаҳатларини берган эдилар. Бундай катта эътибор ва ишончни оқлаш учун бор куч-ғайратимизни аямай меҳнат қилмоқдамиз. Ҳар доим янгиликка, сотувчи ва харидорларга янада қулай шароит яратишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳа, бугун Ғузор бозорига борсангиз, у ердаги шарт-шароитларни кўриб, баҳри дилингиз очилади. Кейинги беш-олти йил ичида мавжуд 5 та айвоннинг 4 таси қайта қурилди. Сотувчи ва харидорлар учун шарт-шароитлар янада яхшиланди. Барча қулайликлар яратиш учун 500 та савдо ўринлари қурилди. Бугунги кунда солиқ инспектори, ички ишлар бўлими пости, саломатлик маркази бозорда фаолият кўрсатиб келмоқда. 2006-2007 йилларда 16



та гўшт дўконлари янгидан қуриб фойдаланишга топширилди. Уч нафар СЭС ходимлари бозордаги аҳволни доимий равишда назорат қилиб турадилар. Мавжуд 250 та тарозидан бозорга келган ҳар бир деҳқон бемалол фойдаланиш имкониятига эга. Уларнинг нечоғли тўғри ёки нотўғри эканлигига бирорта харидор шубҳа қилса, шундоққина бозорнинг қоқ ўртасида 2 та адолат тарозиси турибди. Хоҳлаган одам ўз харидини ўша заҳотиёқ бу тарозида тортиб кўриши мумкин. Бозордаги тўкин-сочинликнинг яна бир боиси мутасаддиларнинг ҳар йили 300-350 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қишки мавсумга тайёрлаб, захира қилиб қўяётганлигидир. Натижада аҳоли йил — ўн икки ой бемалол бозордан сифатли маҳсулот харид қилмоқда.

Ҳамроҳимиз билан бозорни айланар эканмиз, харидорлардан бири билан танишамиз.

— Деҳқоноободнинг марказидан 40 км. узоқликда, тоғлар орасида жойлашган Гала қишлоғида яшайман, — дейди суҳбатдошимиз Маҳмуд ака Чоршанбиев. — Узоқ қишлоқда яшасак ҳам, бозор-ўчаримиз шу ердан. Сабаби, бу бозор, биринчидан, катта йўлнинг ёқасида, қулай жойда жойлашган. Иккинчидан, бозор маҳсулотларга сероблиги боис сайлаб олиш имконияти катта ва албатта ҳам сифатли, ҳам арзон. Менга шу бозор маъқул келади.

Одамларнинг қандай яшаётганлигини билмоқчи бўлсангиз, бозорига боринг, дейди доно халқимиз. Бугун ғузорликларнинг турмушини тўкин-сочин, файзли бозордан англаб олиш қийин эмас. Бозорқўм Қаҳрамон Турсунов айтганидек, бозори тўкин элнинг турмуши фаровон бўлади.

Абдурасул ПАРДА



Суратда: бозор фаолияти акс этган лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар. t

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдоларини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

	Касб-ҳунар коллежлари:
1	Наманган вилояти, Поп тумани, Чодак ҚФЙдаги 615/50 ўқувчи ўринли «Саноат» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
2	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Холматов ҚФЙдаги 585/50 ўқувчи ўринли «Ижтимоий соҳа, спорт» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
3	Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Қўғай — Ўлмас ҚФЙ, Шаҳрихончек қишлоғидаги 615/50 ўқувчи ўринли «Хизмат кўрсатиш соҳаси ва компьютер технологияси» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.
	Умумтаълим мактаблари:
1	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Косон ҚФЙдаги 270 ўқувчи ўринли 29-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
2	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Кўқимбой қишлоғидаги 490 ўқувчи ўринли 31-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
3	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Чиндовул қишлоғидаги 330 ўқувчи ўринли 42-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
4	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Косон ҚФЙдаги 360 ўқувчи ўринли 43-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
5	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Олтинкўл қишлоғидаги 330 ўқувчи ўринли 35-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш (филиали билан).
6	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Меҳнатобод ҚФЙдаги 140 ўқувчи ўринли 46-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш (филиали билан).
7	Наманган вилояти, Норин тумани, Охунбобоев ҚФЙдаги 200 ўқувчи ўринли 24-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
8	Наманган вилояти, Наманган тумани, Қумқўрғон ҚФЙдаги 260 ўқувчи ўринли 6-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
9	Наманган вилояти, Поп тумани, Ботир-Бутка қишлоғидаги 100 ўқувчи ўринли 53-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
10	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Ахси қишлоғидаги 240 ўқувчи ўринли 21-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
11	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Холматов қишлоғидаги 440 ўқувчи ўринли 47-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
12	Наманган вилояти, Уйчи тумани, Ёрқўрғон ҚФЙдаги 540 ўқувчи ўринли 10-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
13	Наманган вилояти, Уйчи тумани, Унҳаят ҚФЙдаги 495 ўқувчи ўринли 29-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
14	Наманган вилояти, Уйчи тумани, Гулистон қишлоғидаги 80 ўқувчи ўринли 43-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
15	Наманган вилояти, Уйчи тумани, Машад қишлоғидаги 240 ўқувчи ўринли 44-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
16	Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Қўғай ҚФЙдаги 330 ўқувчи ўринли 19-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
17	Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Ҳамза қишлоғидаги 260 ўқувчи ўринли 17-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
18	Наманган вилояти, Чуст тумани, Олмос қишлоғидаги 315 ўқувчи ўринли 63-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
19	Наманган вилояти, Чуст тумани, Олмос ҚФЙдаги 420 ўқувчи ўринли 41-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
20	Наманган вилояти, Чуст тумани, Чуст шаҳридаги 240 ўқувчи ўринли 66-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
21	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Бештош қишлоғидаги 130 ўқувчи ўринли 10-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
22	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Ҳазратишоҳ қишлоғидаги 210 ўқувчи ўринли 37-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
23	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Чортоқ шаҳридаги 260 ўқувчи ўринли 50-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
24	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Чортоқ шаҳридаги 480 ўқувчи ўринли 42-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
25	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Шарқ Юлдузи қишлоғидаги 270 ўқувчи ўринли 5-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
26	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Зарбдор қишлоғидаги 270 ўқувчи ўринли 41-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
27	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Наврўзобод қишлоғидаги 260 ўқувчи ўринли 47-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
28	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Парамон қишлоғидаги 80 ўқувчи ўринли 55-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.

Қурилиш объектларининг барчасини якунлаш муддати — 2009 йил 1 август.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.

Қурилиш ишлари Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган (касб-ҳунар коллежлари учун давлат, умумтаълим мактаблар учун мактаб жамғармаси) маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар(оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

Тендерная комиссия ГАЖК «УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»

объявляет тендер №9 2008 года на приобретение грузовой тележки модели 18-100 ЦНИИ-ХЗ без колесной пары в количестве 300 штук, график поставки (с 4 квартала 2008 года по 2 квартал 2009 года).

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Узбекистон темир йуллари». Управление «Темирйулёнилгитаъмин», комната 410, тел: 237-94-72, 237-96-33.

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.



Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

РЕСПУБЛИКА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Андижон шаҳридаги АндМИИ — 2 қошида 795/100 ўқувчи ўринли академик лицей қурилиши;

2. Андижон шаҳридаги АндҚХИ — 2 қошидаги 495/0 ўқувчи ўринли академик лицейни реконструкция қилиш;

3. Андижон шаҳридаги АндМИИ — 2 қошидаги 495/100 ўқувчи ўринли академик лицейни реконструкция қилиш.

Буюртмачи: Республика академик лицейлар қуриш инжиниринг компанияси.

(Тошкент шаҳри, Саидова кўчаси, 76. Тел: (8-371) 227-11-84, 246-18-79).

Қурилиш ва реконструкция ишларини молиялаштириш буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Андижон вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14 а-уй, тел/факс: (8-374) 224-72-79.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб, «калити билан» фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Қурилиш муддати
1	Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Сўфи қишлоғида «Агротадбиркорлик ва сервис» йўналишидаги 615 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши	11,5 ой
2	Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Деҳқонобод қишлоғида «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ва қайта ишлаш» йўналишидаги 615 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши	11 ой
3	Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Зармитан қишлоғида «Тоғ-кон саноати» йўналишидаги 435/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши	11 ой
4	Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Рашидов ж/х да (Ўртақишлоқ) «Ижтимоий соҳа ва сервис» йўналишидаги 615 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши	11 ой
5	Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Тораріқ қишлоғида «Қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш» йўналишидаги 615 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши	11 ой
6	Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Терсак қишлоғида «Компьютер технологиялари ва сервис» йўналишидаги 615 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши	11 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: ***Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: (8-366) 235-82-86.***

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида, соат 10.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

XORIJDA

КУБА ИТТИФОҚ ТАКЛИФИГА РОЗИ БЎЛДИ


Куба Европа Иттифоқининг сиёсий мулоқот олиб бориш тўғрисидаги таклифига рози бўлди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Бу ҳақда иттифоқнинг Гаванадаги вакили Хавьер Нино маълум қилди. «Сиёсий музокаралар қачон ва қаерда бошланиши ҳали аниқ эмас», — деди у.

Нинонинг фикрича, томонлар ўзаро манфаатли масалаларни муҳокама этиши кутилмоқда. Жумладан, Куба мухолифати «мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш» мавзуида мулоқот олиб боришга тайёр эканини билдирган.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Исроил бош вазири Эҳуд Олмерт ва Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббос яқин орада тинчлик музокараларини давом эттиришини маълум қилди. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, Олмерт бу ҳақда Қуддусда бўлиб ўтган икки етакчининг учрашуви ниҳоясида маълум қилди.

Олмертнинг вакили Марк Регевнинг айтишича, учрашувда томонлар ўртасида жиддий муҳокамалар бўлиб ўтган. Мунозараларнинг кейинги босқичи Фаластин миллий маъмурияти АҚШдан қайтиб келгач, давом эттирилади.



«ДЕНГИЗ ПОЛИЦИЯСИ» ЗАРУР

Франция президенти Николя Саркози дунё ҳамжамиятини «денгиз полицияси»ни ташкил этишга чақирди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Бунга Сомалига қарашли сув ҳудудларида қароқчилик ва терроризмнинг авж олиши сабаб бўлмоқда. Шунингдек, президент Франция бир ўзи ҳудудни мониторинг қила олмаслигини таъкидлади. «Гап айрим ҳоллар эмас, балки илдиз отаётган жиноятчилик ҳақида бормоқда», дея — тушунтирди Саркози.

ЕВРОПАДА ЯГОНА ЖАРИМА ТИЗИМИ

Европарламентнинг транспорт воситалари бўйича қўмитаси Европа Иттифоқининг бу ҳудудда йўл ҳаракатини бузганларга ягона жарима тизимини жорий этиш дастурини маъқуллади. Ҳужжатга биноан иттифоқнинг барча аъзо давлатларида қонунбузар ҳайдовчилар учун фуқаролигидан қаъти назар, жазога тортувчи электрон хизмати йўлга қўйилади.

2007 йил Европа Иттифоқи йўлларидаги бахтсиз ҳодисалар туфайли жами 43 минг киши ҳалок бўлган.



ЁШЛАР ВА УЯЛИ ТЕЛЕФОН

Москва шаҳри инсон ва истеъмолчилар ҳуқуқлари бўйича Федерал хизмат бошқармаси болаларнинг уяли телефондан фойдаланиши соғликка зарар деб огоҳлантирди. РБК хабарига кўра, уяли телефон ишлаб чиқаришда болалар миясининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмайди. Бу хотира, ўзлаштириш қобилияти сусайиши, тажанглик, уйқусизликка олиб келмоқда. Мутахассислар уяли телефондан фойдаланиш оқибатида мия ўсмаси, эшитиш қобилиятининг бузилиши (25-30 ёшларда), Альцгеймер хасталиги бошланади, деб огоҳлантиради.

Эслатиб ўтамиз, айнан ёшлар уяли алоқа компанияларининг асосий мижози саналади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Андижон вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Асака тумани «Қоратепа» қишлоғидаги 585/100 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи;

2. Балиқчи тумани «Гўравон» қишлоғидаги 615/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи;

3. Булоқбоши тумани «Найман» ҚФЙ даги 615 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи;

4. Жалақудуқ тумани «Тешиктош» қишлоғидаги 405 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи;

5. Жалақудуқ тумани «Абдулабий» қишлоғидаги 615/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи;

6. Избоскан тумани «Яккатут» қишлоғидаги 615/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи;

7. Олтинкўл тумани «Айронча» қишлоғидаги 435 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи;

8. Пахтаобод тумани «Шовруқ» қишлоғидаги 615/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи;

9. Пахтаобод тумани «Янгибоғ» қишлоғидаги 615/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи;

10. Улуғнор тумани «Оқ-том» қишлоғидаги 435 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи;

11. Шаҳрихон тумани «Ўрта Шаҳрихон» қишлоғидаги 435 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи;

12. Шаҳрихон тумани «Найман» қишлоғидаги 435 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи;

13. Қўрғонтепа тумани «Дардақ» қишлоғидаги 615/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи;

14. Андижон тумани агросаноат касб-ҳунар коллежи учун 30 ўқувчи ўринли устахона;

15. Избоскан тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи учун 30 ўқувчи ўринли устахона.

- **Буюртмачи:** вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
- (Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 45-уй.

Тел: (8-374) 224-23-94)

- **Қурилиш ишларини молиялаштириш** буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
- Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга; танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.
- Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:
- **Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14 а-уй, тел/факс: 224-72-79.**
- ***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: 60 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати, оферталар очилиш куни ва соати.

Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йил манзилгоҳлар дастури асосида қурилиши ва капитал реконструкция қилиниши режалаштирилган умумтаълим мактаблари бўйича жорий йилнинг октябрь ойида танлов савдоси ўтказилишини маълум қилади

ЯНГИ ҚУРИЛИШ:

1. Каттақўрғон туманидаги 4-сонли мактаб қурилиши;
2. Тайлоқ туманидаги 58-сонли мактаб қурилиши;
3. Иштихон туманидаги 79-сонли мактаб қурилиши.

КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ:

1. Самарқанд шаҳридаги 46-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
2. Булунғур туманидаги 40-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
3. Булунғур туманидаги 41-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
4. Булунғур туманидаги 44-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
5. Булунғур туманидаги 51-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
6. Булунғур туманидаги 59-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
7. Жомбой туманидаги 8-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
8. Жомбой туманидаги 44-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
9. Жомбой туманидаги 41-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
10. Жомбой туманидаги 43-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
11. Иштихон туманидаги 3-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
12. Иштихон туманидаги 9-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
13. Иштихон туманидаги 30-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
14. Иштихон туманидаги 37-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
15. Иштихон туманидаги 39-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
16. Иштихон туманидаги 44-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
17. Иштихон туманидаги 64-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
18. Иштихон туманидаги 70-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
19. Иштихон туманидаги 87-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
20. Иштихон туманидаги 93-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
21. Каттақўрғон туманидаги 11-сонли мактабни (филиали билан) капитал реконструкция қилиш;
22. Каттақўрғон туманидаги 17-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
23. Каттақўрғон туманидаги 21-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
24. Каттақўрғон туманидаги 31-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
25. Каттақўрғон туманидаги 34-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
26. Каттақўрғон туманидаги 39-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
27. Каттақўрғон туманидаги 42-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
28. Каттақўрғон туманидаги 65-сонли мактабни (филиали билан) капитал реконструкция қилиш;
29. Қўшрабод туманидаги 50-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
30. Қўшработ туманидаги 53-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
31. Қўшработ туманидаги 69-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
32. Нарпай туманидаги 6-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
33. Нарпай туманидаги 13-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
34. Нарпай туманидаги 29-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
35. Нарпай туманидаги 38-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
36. Нуробод туманидаги 50-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
37. Нуробод туманидаги 64-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
38. Нуробод туманидаги 67-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
39. Нуробод туманидаги 68-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
40. Нуробод туманидаги 75-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
41. Оқдарё туманидаги 2-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
42. Оқдарё туманидаги 27-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
43. Оқдарё туманидаги 35-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
44. Оқдарё туманидаги 44-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
45. Пайариқ туманидаги 8-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
46. Пайариқ туманидаги 28-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
47. Пайариқ туманидаги 44-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
48. Пайариқ туманидаги 58-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
49. Пайариқ туманидаги 67-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
50. Пайариқ туманидаги 86-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
51. Пайариқ туманидаги 91-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
52. Пастдарғом туманидаги 3-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
53. Пастдарғом туманидаги 12-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
54. Пастдарғом туманидаги 27-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
55. Пастдарғом туманидаги 38-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
56. Пастдарғом туманидаги 63-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
57. Пастдарғом туманидаги 83-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
58. Пастдарғом туманидаги 98-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
59. Пастдарғом туманидаги 105-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
60. Пастдарғом туманидаги 106-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
61. Пастдарғом туманидаги 108-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
62. Пахтачи туманидаги 14-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
63. Пахтачи туманидаги 24-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
64. Пахтачи туманидаги 40-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
65. Самарқанд туманидаги 9-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
66. Самарқанд туманидаги 18-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
67. Самарқанд туманидаги 49-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
68. Тайлоқ туманидаги 10-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
69. Тайлоқ туманидаги 24-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
70. Ургут туманидаги 91-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
71. Ургут туманидаги 94-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
72. Ургут туманидаги 112-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
73. Ургут туманидаги 118-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш;
74. Ургут туманидаги 120-сонли мактабни (филиали билан) капитал реконструкция қилиш.

Манзил: *Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Г, 3-қават.*
Тел: *235-82-86, 233-28-94.*

Истиқлол имкониятлари

Мамлакатимиз ўрта-махсус таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари ҳамон қорақалпоқ диёрида кўтаринки руҳда ўтказилган «Баркамол авлод» республика спорт ўйинлари таассуротлари билан яшамоқдалар. Келгуси йили умумтаълим мактаблари ўқувчиларини яна бир анъанавий мусобақа — «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари кутаётир. Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар уч йилда ўтказиладиган бундай синовларнинг мезбонлиги навбат билан вилоятларга берилиши, жумладан, 2009 йилда «Умид ниҳоллари»нинг Сирдарёда ўтказилиши Ватанимизнинг барча ҳудудларида спортни ривожлантиришга қаратилган яхши оқилона қарордир.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» АЛБАТТА МЕВА БЕРАЖАК

Ҳеч кимга сир эмас, кейинги йилларда болалар спортини тараққий топтириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш соҳасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз тилга олган қуйидаги рақамларга эътибор қилинг: 2007 йилнинг ўзида юртимизда 170 та болалар спорти мажмуи, жумладан, 27 та спорт иншооти, 143 та мактаб спорт зали барпо этилди. Муҳими, бу объектлар шунчаки, хўжакўрсинга эмас, балки энг замонавий русумда, жаҳон андозаларига мос лойиҳалар асосида қурилганлигидадир. «Болалар спорти соҳасидаги изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар, — дея таъкидлади ушбу мажлисда давлатимиз раҳбари, — миллионлаб фарзандларимизни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш имконини бермоқда. Бу эса ҳеч шубҳасиз, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда».

Маълумки, бундан беш йил аввал Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган эди. Ўтган даврда жамғарма томонидан болалар спортини оммалаштириш, мактаблар, ўқув юртлари, шаҳар, қишлоқ, маҳалла, кўчаларда спорт тадбирлари ўтказилиши билан бирга, болалар учун замонавий спорт иншоотлари барпо этишга бирламчи эътибор қаратилди. Жамғарманинг барча вилоятларда минтақавий филиаллари ташкил этилган бўлиб, биргина Сирдарё вилоятининг ўзида жамғарма маблағи ҳисобидан 2008 йилга қадар жами 5 миллиард 200 миллион сўм эвазига 38 та спорт иншооти қурилганлиги ёки мукаммал реконструкция қилинганлиги бу ишнинг кўлами нақадар катта эканлигини тасаввур қилиш имконини беради.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2007 йилдаги асосий вазифаси янги иншоотлар қуриш, эскирганларини реконструкция қилиш, мактабларга қўшимча спорт заллари қуриш ва уларни замон талаблари асосида жиҳозлашдан иборат эди. Манзилли дастурга кўра, Боёвут, Мирзаобод, Сайхунобод, Сардоба, Сирдарё ва Ховос туманларидаги биттадан мактабда замонавий спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги вақтда асосий эътибор Гулистон шаҳар Марказий ўйингоҳи реконструкциясига ва шаҳарнинг 4-мавзеида лойиҳа нархи 2 миллиард 310 миллион сўм турадиган энг замонавий (4-типдаги) спорт мажмуаси қурилишига қаратилган. Марказий ўйингоҳ сиғимини 5 минг томошабинга кенгайтириш ва 20 минг томошабинга мослаштириш, устини ўзига хос айвон билан гир айлантириб ўраш, ўнлаб зарур қўшимча хоналар қуриш, жами 1 миллиард 800 миллион сўмлик реконструкция ишлари бажариш мўлжалланган. Бу объектларда қурилиш-монтаж ишларини тендер танловида ғолиб чиққан нуфузли қурилиш ташкилотлари олиб бораётир. Айни вақтда «Электромонтаж» механизациялашган кўчма колоннанинг 167 нафар қурувчиси Марказий ўйингоҳда, «Stells Luks» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси бинокорлари эса спорт мажмуаси қурилишида жадал меҳнат қилишаяпти. Ҳар икки объектда ҳозиргача 1,2 миллиард сўмга яқин қурилиш ишлари бажарилди.

Иш кўламининг бу қадар кенглиги, қурилаётган, таъмирланаётган, бутунлай янгидан реконструкция қилинаётган спорт иншоотлари катта маблағ талаб қилиши шубҳасиз. Бироқ мақсад улуғворлиги, бу саъй-ҳаракатларга арзийди.



Спортнинг энг оммавий турига айланган футбол соҳасида кейинги йилларда вилоят кўрсаткичлари кескин пасайиб кетганлиги сир эмас. Бир пайтлар «Пахтачи», «Янгиер» каби МДҲ давлатларида ҳам эътироф этилган футбол жамоалари бўлган вилоятнинг айни вақтда ҳатто биринчи лигада ҳам ўз жамоасига эга эмаслиги ташвишли ҳол. Синчиклаб қаралса, Сирдарёдан чиққан ўнлаб истеъдодли футболчилар турли вилоятлардаги номдор жамоаларда тўп суришаётгани маълум бўлади. Бугунги кунда мамлакат терма жамоаси аъзоси, сайхунободлик Илҳом Суюнов «Пахтакор»да, янгиерлик Рустам Қодиров «Машъал»да, «Сирдарё»нинг етти нафар собиқ ўйинчилари «Кимёгар»да... Демак, вилоятдан футбол истеъдодлари чиқмаяпти деган гап беҳуда. Айниқса, шаҳар ва туманларда умидли ёшларнинг кўплиги вилоят футболининг келажаги порлоқ эканлигидан далолат бермоқда. Уларнинг катлар фарзандларимиз, уларнинг келажаги учун хизмат қилажагини назарда тутсак, барпо бўлажак иншоотлар шак-шубҳасиз беқиёс самара беради. Ҳозирнинг ўзида ишончи билан айтишимиз мумкинки, болалар спорти вилоятда ҳар қачонгидан кўра оммавий тусга кирди. Бугунги кунда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўқувчиларнинг 24,5 минг нафардан ортиғи дарсдан ташқари спорт билан мунтазам шуғулланаётир. Бунинг натижасида 2007 йилнинг ўзида 17 ёшгача бўлган болаларнинг 55 нафари спортнинг турли йўналишлари бўйича Осиё чемпионатлари, халқаро турнирлар, Республика мусобақалари ғолиблари бўлди. Бултур март ойида Тошкентда ўтказилган Осиё биринчилигида сайхунободлик 9 нафар ёш шашкачи иштирок этиб, 1-3 ўринларни олганлиги, учрашувларнинг энг ёш қатнашчиси ўн яшар Санжар Раҳимов эса ғолиблик шоҳсупасини эгаллаганлиги фикримиз далилидир. Бундан ташқари, Гулистон туманининг ёш каратэчилари Мирза Шодмонқулов, Акромхўжа Луқмонхўжаевлар Ҳиндистонда, ховослик белбоғли кураш усталари Бахтиёр Ҳамроев ва Ҳамза Маматовлар эса Паркент шаҳрида ўтказилган халқаро турнирларда олтин медалларга сазовор бўлганликлари ҳам сўзимизни тасдиқлаб турибди.

Спортнинг энг оммавий турига айланган футбол соҳасида кейинги йилларда вилоят кўрсаткичлари кескин пасайиб кетганлиги сир эмас. Бир пайтлар «Пахтачи», «Янгиер» каби МДҲ давлатларида ҳам эътироф этилган футбол жамоалари бўлган вилоятнинг айни вақтда ҳатто биринчи лигада ҳам ўз жамоасига эга эмаслиги ташвишли ҳол. Синчиклаб қаралса, Сирдарёдан чиққан ўнлаб истеъдодли футболчилар турли вилоятлардаги номдор жамоаларда тўп суришаётгани маълум бўлади. Бугунги кунда мамлакат терма жамоаси аъзоси, сайхунободлик Илҳом Суюнов «Пахтакор»да, янгиерлик Рустам Қодиров «Машъал»да, «Сирдарё»нинг етти нафар собиқ ўйинчилари «Кимёгар»да... Демак, вилоятдан футбол истеъдодлари чиқмаяпти деган гап беҳуда. Айниқса, шаҳар ва туманларда умидли ёшларнинг кўплиги вилоят футболининг келажаги порлоқ эканлигидан далолат бермоқда. Уларнинг натижаларга эришган футболчилардан йигирма нафари танлаб олиниб, вилоят футбол мактабига жалб этилди. 1994-1996 йилларда туғилган ёш футболчилар билан республикамиздаги таниқли футбол мутахассислари шуғулланаётир. Умидли ёшларнинг амалий тажрибасини ошириш мақсадида «Пахтакор», «Насаф», «Навбаҳор» футбол клублари қошида таълим олаётган тенгқурлари билан қатор ўртоқлик учрашувлари ўтказиш юзасидан шартномалар тузилди.

Бундай саъй-ҳаракатларни спортнинг барча соҳаларида кўришимиз мумкин. Айни вақтда спортнинг асосий турлари бўйича «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг туман, шаҳар, вилоят босқичлари ўтказилиб, спортнинг 12 тури бўйича вилоят терма жамоалари шакллантирилди. Айниқса, енгил атлетика, белбоғли кураш, турон кураши, шашка-шахмат каби оммавий турлари бўйича мусобақаларга тайёргарлик рисоладагидай ташкил этилганлигини таъкидлаш жоиз. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки «Умид ниҳоллари»дай нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилишнинг ўзи бўлмайди, қолаверса, муайян натижаларга эришишнинг фурсати аллақачон етди.

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Истиқлол — эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

БАХШИНИНГ БАХТИ



Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами арафасида кўплаб юртдошларимиз қатори Сурхондарё вилояти Музработ туманида истиқомат қилаётган Қора Ўмиров (Қора бахши) ҳам давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланди. Президентимиз Ислом Каримов фармонига мувофиқ у «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» унвонига сазовор бўлди.

Қора бахшининг болалик йиллари Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидаги Етимқудуқ қишлоғида ўтди. Отаси Ўмир бахшидан соз чертиш, достон айтиш сирларини қунт билан ўргана бошлаганида ҳали бола эди. Ўн беш ёшида «Ойпошшо» достонини мустақил, ёддан айта бошлади.

— Юксак унвон билан тақдирланганимни эшитгач, болаларим, невараларим олдида ҳаяжонимни яшира олмадим, — дейди Қора бахши. — Бутун ҳаётим, Президентимизнинг ижод аҳлига кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликлари бир-бир кўз олдимдан ўта бошлади.

Истиқлол шарофати билан Ватан, юрт озодлиги ва миллий қадриятларимизни мадҳ этувчи 20 дан ортиқ термани тўплаб, нашрдан чиқардим. Бугун ёшлар орасида кўплаб бахши-шоирлар етишиб чиқаётгани қувонарлидир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳар биримизда чексиз фахр-ифтихор ҳиссини уйғотмоқда. Бу кунларнинг қадрига етишимиз керак.

Аслида бу унвон сулоламиз хизмати учун давлатимиз раҳбари томонидан берилган юксак мукофотдир. Чунки «Алпомиш», «Авазхон», «Гўрўғли», «Кунтуғмуш» каби халқ достонларининг ҳозиргача етиб келишида сулоламиз вакилларининг хизмати бор. Ёшлигимда илк марта ёд олганим «Ойпошшо» достонини отам кўп айтар эди. Айтганда ҳам сел бўлиб, достон қаҳрамонларининг қувонч ва ташвишларига хаёлан шерик бўлиб куйларди. Шунинг таъсирида бўлса керак, болаликдан менда шу достонга ўзгача меҳр уйғонди. Кўча-кўйда «Ойпошшо»ни хиргойи қилиб юрадиган бўлдим.

Кара Ўмиров достонларни ёд олиш билан бирга, 42 йил давомида ёшларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берди. Ўқувчиларига халқ достонлари қаҳрамонларидек ростгўй, жасур ва эл-юртга садоқатли бўлишни ўргатди. 40 дан ошиқ достонни ёд олган бахши-шоир ўнлаб шогирдлар тайёрлади.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири

Қилмиш-қидирмиш

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

бировга буюрмайди

Фирибгарнинг алдаш усули хилма-хил. Масалан, қалбаки гувоҳнома, ишончнома, мухрлардан фойдаланиб, ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширади.

Асли Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида туғилиб, вақтинча Миробод туманида яшаб келган Останақул Бегматов шундайлар тоифасидан бири бўлиб чиқди. У кунларнинг бирида Николай Голов деган йигит билан танишиб қолади. Николайнинг онаси вафот этиб, ўзи ёлғиз яшарди. Ўзаро гап-сўзда уй Николай Головга онасидан мерос қилиб қолдирилганлигини билган Останақул Бегматов ўзича режалаштирган шум ниятини амалга оширишга киришади.

— Маклерман, онангиздан қолган уйни сизнинг номингизга ўтказиб бераман. Кейин эса сотиб, бир хонали уй ҳам олиб бераман. Масза қилиб яшайсиз, — дейди у Николайни тузоққа илинтириш учун.

Н.Голов деганлариям соддароқ экан-да, «маклер»нинг гапларига чиппа-чин ишониб, уй ҳужжатларини беради. Товламачи қандай қилиб бўлмасин, ўз мижозининг ишончини қозониш учун турли усулларни ишга сола бошлади. Хуллас, у Николайга дастлаб спиртли ичимлик ичиради. Сўнг ширакайф Николай билан нотариусга боришади. Аввалига мерос ишини олиб бориш учун Николай Голов номидан бир йиллик муддатга ҳамда унинг туғишган опаси номидан уйни сотиш ҳуқуқи билан ўз номига уч йил муддатга ишончнома ҳам ёздириб олади.

Қисқаси, бу фирибгар Николайнинг гўллигидан фойдаланиб, «қонуний» ҳужжатларни қўлга киритади. Уйни ўзининг номига ўтказайин, деса, Тошкентда доимий рўйхатда турмайди. Ўйлай-ўйлай, охири алдов йўли билан қўлга киритилган ишончномалар орқали Николай Голов яшаб турган уйни Тошкентда яшовчи бир қариндошининг номига расмийлаштиради. Бу ҳам етмагандай, Николайни яна алдаб-сулдаб, оиласи билан унинг уйига кўчиб кириб олади. Кўп ўтмай мерос қилиб қолдирилган уй фирибгар кўрсатмаси билан бошқа бировнинг номига ҳужжатлаштирилди. Ҳар қандай қабиҳликдан тап тортмайдиган Останақул Бегматов Николайни ўз уйидан бутунлай маҳрум қилиш ниятида «Бу уйда яшамайди», деб далолатнома тузади ва қўшнилари огзини мойлаб, уларни ҳам чалғитиб, имзо қўйдиради.

Энг қизиғи, устамон фирибгар сохта далолатнома асосида Николай Головни уй рўйхатидан чиқариш учун фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиб, ҳатто ҳал қилув қарорини ҳам қўлга киритганига нима дейсиз?

Алқисса, фирибгар «маклер»нинг қилмишлари фош бўлиб, қонуний жазосини ҳам олди. Лекин унинг бу «қилиқ»ларини кўриб-билиб, томошабинлик қилганлар, ҳатто уни кўр-кўрона қўллаб-қувватлаганлар энди афсус чекишаётгани кишини ўйлантиради.

Хулоса шуки, бундай нафси ҳақалак отган фирибгарлар тузоғига тушиб қолмаслик учун фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқини билса, ҳуқуқшуносларнинг маслаҳатидан фойдаланса, кейин пушаймон бўлиб юрмайди.

Илҳом АЙДУСОВ,
Миробод туман прокуратураси терговчиси.
Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КОГОНЛИК БОЛАЛАР УЧУН

спорт мажмуи қурилиши бошланди

Шу йил 10 июль куни Когонда юз берган нохуш воқеа оқибатини тугатиш муносабати билан шаҳарда кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Шаҳарни қайта қуриш лойиҳаси асосида замонавий болалар спорт мажмуаси қурилиши бошлаб юборилди. Бу ишда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бош пудратчиликни ўз зиммасига олди.

Шуни таъкидлаш керакки, келаси йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топшириладиган мазкур объектнинг лойиҳаси ўзига хос ечимга эга. Унда йирик спорт зали мавжуд бўлиб, бу ерда мини футбол, баскетбол, волейбол, бокс, кураш, оғир атлетика, бадиий гимнастика машғулотлари ўтказишнинг ҳамма имкониятлари мавжуд. Бинонинг иккинчи қаватидан эса ечиниш, ювиниш, мураббийлар, ҳакамлар хонаси ўрин олади. Бир сўз билан айтганда, энди когонлик болалар, спорт шинавандалари олимпиячилар тайёрланадиган замонавий спорт масканига эга бўладилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТОШКЕНТДА ТАЭКВОНДО БАЙРАМИ

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида таэквондо (ITF) бўйича ўсмирлар ўртасида VIII жаҳон биринчилиги ҳамда фахрийлар ўртасида III жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлди.



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Олимпия спорт турлари билан бир қаторда Шарқ яккакурашларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Юртимизда таэквондонинг ITF йўналишига асос солинганига ўн етти йил тўлди. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда Таэквондо (ITF) миллий ассоциациясининг филиал ва марказлари фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда мамлакатимиз қишлоқ ва шаҳарларида олтмиш минг нафардан зиёд ўғил-қиз ушбу спорт тури билан шуғулланаётганликлари юртимизда таэквондонинг жадал ривожланаётганлигидан дарак бериб турибди.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Таэквондо миллий ассоциацияси олиб бораётган фаолият халқаро миқёсда алоҳида эътироф қилинди. Бунга мамлакатимиз таэквондочиларининг Канада, Швейцария, Германия, Англия, Россия, Италия, Жанубий Корея, Аргентина, Япония, Греция, Чехия сингари ўнлаб давлатларда ўтказилган қитъа ва жаҳон чемпионатлари, йирик халқаро турнирларда эришган ютуқлари сабаб бўлди. Ҳамюртларимиз тажрибали мутахассислар Эдуард Ли, Убайдулло Мукаррамов, Юрий Ли, Миродил Мирзахоновлар Осиё ва жаҳон чемпионатларида энг яхши ҳакамлар, деб тан олинганлиги айниқса қувонарлидир.

Шу йилнинг апрель ойида мамлакатимиз терма жамоаси Блэд (Словения) шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида муносиб қатнашди. Дунёнинг етмишдан ортиқ давлатлари вакиллари иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз Сардор Содиқов ва Лаура Хушимбетовалар бронза медаллари билан тақдирланишди.

Июль ойида спорт яккакурашларининг бутунжаҳон ташкилоти — WASCO Италиянинг Кальяри шаҳрида жаҳон чемпионатини ўтказди. Унда Ўзбекистон спортчилари ҳам муносиб иштирок этиб, 20 та олтин, 10 та кумуш, 7 та бронза медали соҳиби бўлишди. Спортчиларимиз нафақат якка ва жамоавий мусобақаларда, балки махсус техника намойиш қилиш борасида ҳам йиғилганларда илиқ таассурот қолдирдилар.

Халқаро Таэквондо (ITF) федерациясининг XVII конгрессида 2008 йилда фахрийлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатини Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисида қарор қилинди. Бу Ўзбекистон таэквондо (ITF) миллий ассоциациясига билдирилган юксак баҳо ва ишончдир.

— Мамлакатимизда илк маротаба ўтказилаётган ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг эллик уч давлати таэквондочилари қатнашиш истагини билдиришган, — дейди Ўзбекистон Таэквондо (ITF) миллий ассоциацияси президенти, VI-ДАН қора белбоғ соҳиби Пўлат Усмонов. — Унда иштирокчилар жами 32 та дастур бўйича 920 та медаллар шодаси учун даянга чиқадилар. Мусобақада мамлакатимиз таэквондочиларидан ташқари Россия, Жанубий Корея, Австралия, Япония, Украина, Аргентина, Греция сингари энг кучли терма жамоалар ғолиблик учун кураш олиб боришади.

Мухлислар тўрт кун давомида массоги (якка, жамоавий), тиль (якка ва жамоавий), селдифенс ҳамда предметларни синдириш бўйича кескин ўтиши кутилаётган баҳслар гувоҳи бўлишади. Мусобақаларда ўсмирлар ўртасида Аъзамжон Ажибеков, Дилёрбек Эргашев, Нуриддин Пардаев, Шаҳноза Зуҳриддинова, Зулфия Аҳмаджонова, Кристина Квон каби ўнлаб иқтидорли таэквондочилар юртимиз шарафини ҳимоя қилишса, Убайдулла Мукаррамов, Фахриддин Умаров, Комил Шукуров, Раҳматжон Тиллаев, Алишер Тошбоев сингари тажрибали мураббийлар даянда ўз маҳоратлари билан шогирдларига ибрат бўлишади.

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Эркин ХОЛБОБО
Муаллиф олган сурат.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Тошкент халқ хўжалиги институти томонидан 1984 йил 1 июлда Бабаджанова Б.А. номига берилган ИВ-I, № 315072 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi:
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi:
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari

O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda